

ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА

Қадри дўстлар!
Аввало, сиз, азизларни — минг-минглаб заҳматкаш йўлсоз, қурувчи ва муҳандислар, энергетик ва алоқачилар, машинист ва вагон кузатувчиларини, соҳанинг барча ишчи-хизматчилари ва фахрийларини бугунги касб байрамингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, ўзимнинг юксак ҳурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Сизларнинг фидокорона меҳнатингиз билан барпо этилаётган янги темир йўл ва коммуникация тармоқлари, станция ва вокзаллар, аҳоли ва ташкилотларга кўрсатилаётган хизматлар халқимизнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилиш, мамлакатимиз транзит салоҳиятини ошириш, иқтисодиётимиз тармоқлари ва ижтимоий объектларнинг бир маромда ишлашини таъминлашда, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамиятга эга.

Ушбу қутлуг айёмда туну кун самарали меҳнат қилиб, ана шундай масъулиятли соҳа равнақиға муносиб ҳисса қўшаётган кўп миллатли темир йўл жамоаларига, тизимдаги барча хизматчи ва ходимларга ўз номидан, бутун

халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

Хурматли темирйўлчилар!
Сўнгги йилларда миллий тараққиёт дастурларини амалга ошириш жараёнида мамлакатимизнинг транспорт-коммуникация ва транзит салоҳиятини оширишга устувор аҳамият бераётганимиз сизларга яхши маълум. Шу борадаги кенг қўламли ислохотлар туфайли Ўзбекистон темир йўллари фаолияти тубдан такомиллаштирилиб, соҳада муҳим лойиҳа ва дастурлар ҳаётга жорий этилаётганини мамнуният билан таъкидлаш лозим.

Қисқа муддатда 3 минг 800 километрдан зиёд темир йўл электрлаштирилиб, Бухоро — Урганч — Хива темир йўли қуриб битказилгани, локомотив парки замонавий техникалар билан тўлдириб борилаётгани шу йўналишдаги ишларимиз қўламадан далолат беради.

Энг муҳими, бундай саяб-ҳаракатларимиз узвий ва давомли бўлиб, бунинг тасдиғини Тошкент — Урганч — Хива йўналишида юқори тезликда ҳаракатланадиган электр поездлар

қатновини йўлга қўйиш, Мискин — Нукус темир йўл тармоғини электрлаштириш жараёнида жадаллик билан олиб борилаётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Бундан ташқари, бу йил аҳолига сифатли транспорт хизмати кўрсатиш, туризмин ривожлантириш мақсадида Самарқанд шаҳридан Ургутга, Тошкент вилоятидаги Байтқўрғон станциясидан Паркент туманига темир йўл тармоғини тортиб бориш ишлари бошланди. Шунингдек, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилиши бўйича йирик халқаро лойиҳанинг амалга оширилаётгани нафақат мамлакатимиз, балки минтақамиз келажаги учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Қадри соҳа ходимлари!
Бугунги кунда темир йўл транспортини янада ривожлантириш, кўрсатилаётган хизматлар тури ва ҳажмини кўпайтириш, уларнинг сифатини ошириш, муҳим замонавий коммуникация объектларини барпо этиш бўйича ҳали олдимизда улкан вазифалар турганини, Янги Ўзбекистонга ҳозирги давр талабларига жавоб берадиган қудратли темир йўл

саноати, темир йўл тармоқлари ва хизматлари зарурлигини, ўйлайманки, барчамиз яхши тушунамиз.

Тарихимизда илгари кўрилмаган бундай улугвор ва масъулиятли вазифаларни амалга оширишда биз, аввало, чуқур билим ва катта меҳнат тажрибасига эга бўлган, ўз иши ва касбинин чин дилдан севадиган, бутун умрини элга хизмат қилишдек олижаноб ишга бағишлаб келаётган сиз, жонкуяр ва заҳматкаш темирйўлчиларимизга таянамиз.

Аминманки, сизлар халқимизнинг ана шундай юксак ишончидан куч ва илҳом олган ҳолда, янада самарали меҳнат қилиб, соҳа тараққиётини албатта янги босқичга олиб чиқасиз.

Сиз, азизларни касб байрамингиз билан яна бир бор табриклаб, барчангизга мустақам соғлиқ, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик ва бахту саодат, серқирра фаолиятингизда янги ютуқ ва омадлар тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ТРАНСПОРТ СОҲАСИ БЎЙИЧА СТРАТЕГИК ИНФРАТУЗИЛМАЛАР ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИ УЧУН МУҲИМ

Президент Шавкат Мирзиёевга транспорт соҳасидаги йирик лойиҳалар бўйича ахборот берилди.

Иқтисодиёт ривожланиб, ҳаёт суръати тезлашгани сари транспорт алоқаларига талаб ҳам ошаверади. Тошкент шаҳрига авиа йўловчилар оқими 2030 йилда 15 миллионга етиши кутилмоқда. Лекин бунга ҳозирги аэропортнинг қуввати етмайди. Шаҳар ичида жойлашгани сабабли уни кенгайтириш имкони ҳам йўқ.

Шу боис, Тошкент вилоятида янги халқаро аэропорт қуриш режалаштирилган. Бугунги кунда хусусий шериқлик бўйича хорижий компаниялар таклифлари кўриб чиқилмоқда.

Тақдиримизда мутасаддилар ушбу йирик лойиҳанинг барча жиҳатлари бўйича ахборот берди.

Сўнгги йилларда йўл ҳўжалигига ҳам катта маблағ ажратилиб, янги иншоотлар барпо этилмоқда. Автотранспортлар ҳаракатига қулайлик яратиш

мақсадида муқобил йўллар қурилиши ҳам лойиҳалаштирилмоқда. Бу борада инвесторларга жозибдор муҳит яратиш учун “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги қонун янги тахрирда ишлаб чиқилди.

Шуларга асосланиб, Тошкент билан Самарқанд ўртасида муқобил тезюрар магистрал йўл қуриш лойиҳасига бир неча ҳамкор давлатлар компаниялари қизиқиш билдирган.

Мутасаддилар улар билан ўтказилган музокаралар натижалари ва таклифлари ҳақида ҳисобот берди.

Давлатимиз раҳбари ушбу стратегик инфратузилмаларни пухта ўйлаб лойиҳалаштириш ва тезроқ амалий босқичга ўтиш зарурлигини таъкидлади.

ЎЗА



ШОНЛИ ЙЎЛ ШАРАФИ МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИ МУСТАҲКАМЛАШ БАРЧАМИЗ УЧУН ҲАМ ҚАРЗ, ҲАМ ФАРЗДИР

Мустақиллик шундай улугъ неъматки, у миллий ўзлгимиз, давлатчилигимиз, қадрият ва анъаналаримиз, беқиёс тарихимиз ва маънавиятимиз, ҳақ-хуқуқ ва қадр-қимматимизни қайтариб берди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда янги давлат ва жамият қуриш йўлида тарихий ишлар амалга оширилди, мард ва олижаноб халқимизнинг букилмас иродаси ва улкан салоҳияти билан катта марралар забт этилди. Халқимиз Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига асос бўлувчи улкан

ютуқларни қўлга киритди. Мустақиллик халқчил ва демократик тамойилларга асосланган давлат, инсон қадри устувор бўлган эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш имконини берди.

► Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 34 йиллигига ОРТГА БИР ҚАРАСАМ...

“Бу йил...”, “Бугун...”, “Ҳозир...” сўзларини алоҳида-алоҳида тилга олсам, вақт маъносидан ташқари бирор хайратланарли моҳият касб этмаса керак. Аммо “Ватанимиз мустақиллигининг 34 йиллиги” деб айтсам-чи?.. Бир дақиқа аввал оддийгина туюлган бу сўзлар бирдан улканлашиб кетади. Шу улканликка қўшилиб, кўз олдимдан озодликка эришган, дунё харитасидан ҳур миллат сифатида жой олган, танилган, тан олинган йиллар билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар ўта бошлайди. Ўзим ҳам бутун борлигим, фахру гурурим билан шу воқеа-ҳодисаларга қўшилиб, сингишиб кетгандай бўламан.

Зоминдаман. Тоғ ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олиш илминикида йўл четидаги пиёдалар йўлакчасида одимлайман. Бу хуштабиат масканда йилнинг тўрт фаслида ҳам ўзгача гўзаллик бор. Шифобахш арчазорлар, доривор гиёҳлар, худди баҳордаги каби яшнаб турган дов-дарахтлар...



Қараган сари хайратим ўзимдан ҳам баландлаб кетгандек туюлади. Уч йил аввал келганимда бу йўллар бошқача эди. Тошлоқ сўқмоқларда юриб саёҳат қилиш анча мушкулот туғдирарди. Бу гал йўллар-

нинг равонлиги, атрофдаги сокинликнинг ўзи одамга бир маромда қадамлаш, илгарилаш истагини бахш этади.

Навоний вилоятиданман деб ўзини таништирган ҳамроҳим билан гурунгимиз

қизиб қолди. Бир замон, бир маконда яшётган инсонларнинг аксариятида баъзан шундай қалбн яқинлик бўлади.

► Давоми 3-бетда

БАРҚАРОР ҚУРИЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ СИФАТ ВА ШАФФОФЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН

Кейинги йилларда қурилиш соҳаси иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларидан бирига айланди. Гап фақат сон ҳақида бормаяпти. Чунки ҳозир қурилишлар ҳақида гап кетса, кўз олдимизга шаҳарларимиздаги янгидан янги бунёдкорликлар, ўнлаб, юзлаб кўп қаватли турар жойлар келади. Яъни қўлам ниҳоятда катта. Аммо, шу билан бирга, бугунги қурилиш соҳаси мутлақо замонавий тизимга айланиб, ҳам сифат, ҳам назорат, ҳам рақамлаштириш ва экологик хавфсизлик жиҳатидан халқаро меъёрларга тенглашиб бормоқда.



Бунёдкорлик

Мақур тармоқ ижтимоий инфратузилма, уй-жой ва саноат объектларини ривожлантириш орқали барча соҳаларга мультипликатив таъсир кўрсатади. Ҳар бир янги лойиҳа меҳнат ресурслари, материаллар ва жиҳозларга талабни ошириб, янги иш ўринлари ва хизматлар инфратузилмасини шакллантиради.

Агар Ўзбекистоннинг қурилиш соҳасидаги охириги саккиз йилликдаги ислохотларни таҳлил қилсак, қўлам ниҳоятда катта экани яққол кўзга ташланади. Айниқса, рақамлаштириш, шаффофлиқни таъминлаш ва халқаро стандартларга мослашиш устувор йўналиш сифатида белгиланган.

► Давоми 4-бетда

ЁШЛИК ВА ЭЗГУ ТАШАББУСЛАР ФАСЛИ



2



Қобил ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Бюджет
ва иқтисодий масалалар кўмитаси
раиси ўринбосари

Бошланиши 1-бетда

Ўтган ўттиз тўрт йил озод ватанимиз учун том маънодаги уйғониш, тикланиш ва юксалиш даври бўлди. Иқтисодиёт, илм-фан, маданият, маърифат, маънавият, демократик жамият қурилиши ва бошқа соҳаларда мислсиз ютуқлар қўлга киритилди. Айниқса, охириги йилларда барча соҳада ўзгаришлар шиддатли тус олди.

Янги Ўзбекистон тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйиб, барча соҳа ва тармоқларда туб ислохотлар, демократик янгиланиш жараёнлари кечмоқда. Ўтган давр эркин ва фаровон ҳаёт, буюк келажакни фақат ва фақат мустақиллик асосидагина қуриш мумкинлигини кўрсатди.

Юксак сиёсий ирода туфайли Ўзбекистон дунёга, дунё Ўзбекистонга очилди. Айниқса, минтақа давлатлари билан музлаштирилган муносабатларга илқиклик кирди. Йиллар давомида ечимини кутаётган муаммолар ҳал этилди. Натижада Марказий Осиё давлатлари билан барча соҳалардаги алоқаларимиз янги босқичга чиқди.

Ўзбекистоннинг дунёга очилиши ва шаффоф, прагматик сиёсат минтақа ташқи сиёсатидаги векторларга ижобий таъсир кўрсатди. Ҳозирги кунда қўшни мамлакатлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича амалдаги

ШОНЛИ ЙЎЛ ШАРАФИ

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИ МУСТАҲКАМЛАШ БАРЧАМИЗ УЧУН ҲАМ ҚАРЗ, ҲАМ ФАРЗДИР

сиёсатимизни дунё ҳамжамияти ҳам эътироф этмоқда.

Ўтган тарихан қисқа даврда юртимизнинг Марказий Осиё минтақаси ва жаҳон миқёсидаги сиёсий ўрни ва нуфузи кескин ошди. Дунёда янги Ўзбекистонга нисбатан ишонч руҳи ва ҳамкорликка интилиш тамойиллари кучайди. Кейинги етти-саккиз йил ичида минтақанинг юрагида жойлашган мамлакат — Ўзбекистоннинг ўзгаргани кўшиллар, қолаверса, дунё ҳамжамияти билан очик сиёсат юритишга ўтгани ҳисобиغا юз бераётганини барча кўриб, ҳис қилиб турибди.

Президентимизнинг шу йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”-ги қарорида ҳам жойларда қўлтуғ айёмини юқори савияда нишонлаш учун ташкил этиладиган турли тадбирларда ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилганини таъкидлаш лозим.

“

Янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга киришилган шонли йўл бошидамыз. Бу йўлда юртимизда кечаётган ислохотларда фидокорона қатнашиб, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши керак.

Хусусан, янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича саккиз йил олдин бошлаган кенг кўламли ислохотларимиз туфайли жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий манзараси бутунлай ўзгариб бораётгани, кўп миллатли ва кўп конфессияли жамиятимиздаги тинчлик, ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳити бизнинг бебаҳо бойлигимиз экани, уни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиз бўлиб қолиши зарурлиги, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасида ахши қўшничилик, ҳамкорлик ва интеграция жараёнларини кучайтиришдаги

ўрни ва нуфузи ортиб, янги босқичга кўтарилаётгани, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида очик, демократик ва дунёвий давлат сифатидаги обрў-эътибори ва нуфузи тобора юксалиб бораётгани шулар жумласидан.

Бугун юртимизда кечаётган ислохотлар, инсон манфаатларини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар натижасида “Янги Ўзбекистон орузи” реал ҳақиқатга айланмоқда. Буни халқроқ майдонда ватанимизга ҳурмат ва эътибор тобора ортиб бораётгани ҳам аққол тасдиқлайди.

Ўзингиз айтинг, қачон бизда бундай кенг қамровли ислохотлар амалга оширилган ёки шунга ҳаракат қилинган? Кейинги саккиз йил ичида бирорта ой ёки ҳафта топилар-микан, унда халқ манфаати йўлида бирор хужжат қабул қилинмаган ёки айни мақсад йўлида бирор йирик лойиҳага қўл урилмаган бўлса? Ўзбекистон етакчиси бу демократик ўзгаришларни қимларгадир ёқиб, мақта-ниш, турли рейтингларга кириш учун эмас,

аксинча, халқимизнинг бугунги ҳаёти ва эртанги истиқболини ўйлаб, миллий манфаатларимиз йўлида амалга оширмоқда.

Янги Ўзбекистондаги изчил ислохотлар натижасида “Инсон қадрини ўқиб” тамойили жамиятда ўз ифодасини топиб, юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг

ҳаётини манфаатлари, орзу-умидлари рўёбга чиқяпти, чинакам яшаш завқини туймоқда. Шунинг учун бугунги Ўзбекистон кечаги Ўзбекистон эмас, бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас деб айтишга барча асосларимиз бор.

Инсон қаерда дунёга келса, ана шу ер унинг учун азиз ватандир. Қиндик қони тўкилган жой инсон учун ҳеч нарсага алмаштириб бўлмайди, ҳамма нарсадан қимматли даргоҳдир! Мамлакатимиз мустақиллиги, ҳуқуқий демократик давлат қурилиши, янги жамиятга ўтиш даврида сиёсий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир тадбирлар, ижтимоий-сиёсий барқарорлиқни таъминлаш, маънавий-руҳий покланиш ҳамда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиши муҳим тарихий воқеалардир.

Бу йилги байрам тадбирлари **“Ватан учун, миллат учун, халқ учун!”** деган эзгу гояни ўзида мужассам этган ҳолда ўтказилмоқда. Таъбир жоиз бўлса, ватан учун яшаш юртимиз тараққиёти учун интилиш, унинг шаънини ҳимоя қилиш, уни дунё тан оладиган замонвий, обод мамлакатга айлантиришдир. Миллат учун фидо бўлиш ўз тилимизни, маданиятимизни, миллий қадриятларимизни ҳурмат қилиш, уни ёшлар қалбига сингдиришдир. Халқ учун яшаш эса фидокорлик, самимият ва ҳалол меҳнат орқали жамият тараққиётига ҳисса қўшиш демакдир.

Айни дам янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга киришилган шонли йўл бошидамыз. Бу йўлда юртимизда кечаётган ислохотларда фидокорона қатнашиб, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши керак.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

ЁШЛИК ВА ЭЗГУ ТАШАББУСЛАР ФАСЛИ

ФАРҒОНАДАГИ ОРОМҒОҲЛАРДА ЗЕРИКИШГА ФУРСАТ ЙЎҚ

Бу йилги ёз фарғоналик болалар учун қизиқарли ва қувончли дамларга бой ўтмоқда. Сабаби вилоятда ёзги дам олиш вақтини марқос қилиш, мавсумни эсда қоладиган янгилуқларга бой ўтказишга жиддий эътибор қаратиляпти. Бу бежиз эмас, албатта.

Қамолот пиллапоёсида

Кейинги йилларда таълим сифатини ошириш, ёшларни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб воёга етказишга эътибор қўйилди. Бу саъй-ҳаракатлар ёзги таътилда ҳам кўзга аққол ташланмоқда. Хусусан, Риштон туманидаги “Қўргонча” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги “Риштон” оромгоҳида болаларнинг мазмунли дам олишига алоҳида ҳозирлик қўрилди. Оромгоҳ ҳудудида сув тақчиллиги бартараф этилиб, тоза ичимлик сув тармоқлари тортилди.

Турфа даракхлар қўйнида жойлашган сўлим оромгоҳ мен учун бегона эмас. Бу ерда ўтган асрнинг саксонинчи йилларида ёзги таътилда дам олганим ҳамон ёдимда. Аммо у пайтдаги шароит билан бугунги қўлайлик, имкониятлар ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Тупроқ, янтоқ босган майдонда йиртиқ қотқондан бошқа нарсас йўқ эди. Чўмилиш ҳавзалари ҳақида гапирмасам ҳам бўлади. Бугун бу ердаги шароит том маънода ўзгарганини кўриб ҳавасим келди. Оромгоҳ ҳудудидаги 4,5 гектар ерда минг тупдан ортиқ манзарали, 300 тупдан зиёд мевали дарахт иқлимнинг мўътадиллигини таъминлайди.

— Ёзги таътилнинг беш мавсумида 600 бола дам олиши учун керакли шароит яратилган, — дейди оромгоҳ директори Акмалжон Тўрақулов. — Болалар учун иккита

суний сув ҳавзаси ўрнатилди. Уч минг китоб фондига эга кутубхона очилди. Болаларни соғломлаштириш, ҳар бир кунини мазмунли ва қизиқарли ўтказиш учун барча шароит бор. Бу ёшларга ўз вақтида ўйнаб, дам олиш, қизиқарли машғулотларда қатнашиш имконини бермоқда.

Оромгоҳда болажонлар учун ташкил этилган машғулотларни кузатиб, зерикишга вақт йўқлигига гувоҳ бўлдик. Ўн икки кун — ўн икки хил мавзу. Уларнинг ҳар бири мазмун жиҳатидан бир-бириндан қилишмайди. Жумладан, Болалар фестивали кунинда янги Ўзбекистон гоясини ўзида мужассам этган расмлар, шерлар, қўшиқлар танловига эътибор қаратилади. Ҳарбий-ватанпарварлик кунинда ҳарбийлаштирилган эстафета ва оммавий спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилади. Миллий қадриятлар кунига мос равишда спорт ўйинлари, либослар намоиши ва уларнинг халқимиз тарихидаги ўрни ҳақида болаларга маълумот бериляпти. Шу билан бирга, “Заковат”, “Ижод ва истезод”, “Она табиятини асраш”, “Ёш архитектор”, “Миллатлар дўстлиги”, “Туризм ва ўлкашунослик” мавзуларидаги қизиқарли машғулотлар ўқувчилар тафаккурини эзгу гоялар билан бойитиш, уларга турли йўналишда ўз салоҳиятини намоиш қилиш имконини бермоқда.



— Оиламиз билан Тошкентда яшаймиз, аммо фарзандларим ёзги таътилда шу ерда дам олишни истайди, — дейди Зухроҳон Ражапова. — Яратилган шарт-шароитлар, мураббийлар меҳри, мазали озиқ-овқатлардан кўнглимиз тўқ. Болалар бир-бири билан ақил-инок. Бу ерда боғланган дўстлик, биродарлик ришталари йиллар давомида мустаҳкамлашиб борапти.

Элнурбек Абдурашидов Риштон туманидаги 4-мактабнинг 7-синфда ўқийди. У оромгоҳдаги қўлайликлардан хурсандлигини яширмади. — Табиий чим билан қопланган стадионда маза қилиб футбол ўйнаймиз. Футболчи акаларимизнинг жаҳон чемпионатида йўланма олгани тўп тепишга иштиёқимизни оширди. Бундан ташқари, турли кўнглилар машғулотлар, саёхатларда бўляпти. Дўстларим билан келгуси ёзда ҳам шу ерга келишни мақсад қилдик, — дейди у.

Тоғ қўйнидаги маскан

Олис Сўх туманида ташкил этилган болалар соғломлаштириш оромгоҳи юзлаб кўнглиларга қувонч, шодлик улашмоқда. Ҳолбуки, шу пайтга қадар туманда бундай замонавий дам олиш маскани бўлмаган. Аксарият ўқувчилар ёзги таътилни уйдан қўчага чиқмай, беҳуда ўтказгани бор гап. Бугун тоғ бағрида улаётган болалар турфа имониятлардан баҳраманд бўлмоқда. Ўғил-қизларнинг мириқиб дам олиши, жисмонан чиникиб, саломатлигини мустаҳкамлаши, билм ва кўникмаларини ошириши учун барча имконият яратилган. Янги мавсум эса янада қизиқарли бўлмоқда.

— Бизга тақдим этилган 12 кунлик дастур асосида ҳар мавсумда 180 нафардан жами 720 болани соғломлаштирамиз, — дейди болалар соғломлаштириш оромгоҳи директори Таваккалжон Эркаев. — Бу йилдан бошлаб оромгоҳга йўлланмани электрон платформа орқали мамлакатимизнинг исталган вилоятда сотиб олиш имконияти яратилди. Натижада Сўхда нафақат Фарғона, балки Андижон, Тошкент, Самарқанд ва бошқа вилоятлардан келган болалар ҳам дам оляпти.

Кунлик дастурга кўра, турли ўйинлар, мутолаа соати, ижодий машқлар, музика ва рақс машғулоти, спорт мусобақалари ўтказилмоқда. “Табиати асрайлик” шiori остида табиат бағрига саёҳат уюштириляпти. “Заковат” интеллектуал ўйини ҳамда “Қувнок стартлар” беллашувлари ташкил этиш аниъанлага айланган.

— Менга бу ерининг манзараси, жўшқин дарёси, об-ҳавоси жуда ёқди, — дейди самарқандлик Аллаёр Шербеков. — Укам

Шерхон билан келдик. Оромгоҳни интернетдаги “oromoh.uz” сайтидан топдик. Бу ерда шахмат, шашка, футбол, хунармандчилик, мусиқа тўғараклари бор. Тенгқурларим билан фаол қатнашамиз. Таомлари жуда мазали. Янги дўстлар орттирдим.

“Билимдон” чорлайди

Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси томонидан Фарғона тумани “Логон” МФЙ ҳудудида “Билимдон” болалар соғломлаштириш оромгоҳи фойдаланишга топширилди. Мустақиллигимизнинг 34 йиллиги арафасида қад рўстлаган оромгоҳ фарғоналик болаларга ўзига хос байрам тўғриси бўлди. 200 ўринга мўлжалланган манзилда мавсум давомида 1000 нафар ўғил-қиз ёзги таътилни мазмунли ўтказиши мумкин.

— Фарзандим шундай масканда дам олаётганидан жуда хурсандман, — дейди Мохигул Жуманова. — Бу ердаги шароитни кўриб қўз қувнайди, дил айрайди. Болалар мароқли ҳордиқ чиқариши учун зарур ҳамма шароит мўҳай қилинган. Кўриб ҳавасингиз келади. Масканга қадам кўяр экансиз, бегубор болалик онларининг гўзал таассуротларига ошно бўласиз. Барча қўлайликка эга маданият ва маърифат маркази, ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналари ўрин олган кутубхона, тўғарак хоналари, маданий тадбирларни ўтказиш учун мўлжалланган тантаналар майдони, амфитеатр, тиббиёт хонаси, сузиш ҳавзаси, спорт ва болалар майдончалари, замонавий лойиҳалар асосидаги ётоқ жойлар, ошона болаларнинг мароқли дам олишига хизмат қилмоқда.

— Жорий мавсумда вилоятимиздаги 14 та стационар ва 114 та мактаб ҳузуридаги кундузги оромгоҳларда 37 минг 800 болани қамраб олишга тайёргарлик қўрилди, — дейди Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти Фарғона вилояти бошқармаси бўлим бошлиғи Музаффар Маматқулов. — Болалар мазмунли ҳордиқ чиқариши учун барча оромгоҳда тадбирлар режаси пухта ишлаб чиқилиб, мавсум давомида турли давра сўхбатлари, қизиқарли учрашув, интеллектуал ўйинлар, викторина ҳамда спорт мусобақалари ўтказилляпти. Бундан ташқари, таниқли ижодкорлар билан учрашувлар, диққатга сазовор жойларга саёхатлар ташкил қилиниши ёшларга олам-олам қувонч бахш этади.

Болаларни соғломлаштириш ишлари фақат ёзги мавсумда эмас, бутун йил давомида бажарилади. Натижада шахар ва туман марказлари билан бирга чекка қишлоқларда яшовчи ўғил-қизлар ҳам мавсумни мароқли ўтказмоқда.

**Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири**

“Суюнчи пули”,
“қўл ҳақи”, “қоғоз
пули”, “чай пули”...
Улар қандай
номланишидан қатъи
назар, поради.
Шу боис, давлат
қонунларининг
поймол этилиши,
жамиятда адолатнинг
оқшаши, жиноятнинг
бир кўриниши бўлиб
қолаверади.

Муносабат



МАИШИЙ КОРРУПЦИЯ

КИЧИК КЎРИНГАНИ БИЛАН ЖАМИЯТ РИВОЖИГА ЗАРАРИ КАТТА

Коррупциянинг миқдори эмас, қўла-ми бу иллатнинг урчиганини билдиради. Ижтимоий ҳаётимизда учраб турадиган маиший коррупция халқнинг давлатга ишончини сусайтиради, адолат тамойил-ларига путур етказди, туб ислохот ва янгиланишларни ортага суради.

Президентимиз шу йил 29 июль кунни маиший коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш чора-тадбирлари бўйича тақдимот билан танишяётганда бу масалалар алоҳида эътибор қаратди. Тақдиротда Президентимизнинг жорий йил 21 апрелдаги “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган устувор вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони асосида ҳаётга татбиқ этилган нормаларнинг ижроси бўйича ҳисобот берилди.

Фармонда давлат хизматларини кўрсатишда коррупциявий омилларни бар-тараф этиш, маиший коррупциянинг ол-дини олиш, жумладан, рақамлаштириш, бюрократияни қисқартириш борасида тақдирлар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган эди. Бу бўйича масъулларнинг янги технологиялар ва самарадор механизмлар-ни ҳаётга татбиқ этиш бўйича тақдирлари эшитилди. Зеро, жамиятимиздаги кор-рупцион ҳолатларнинг катта қисми — 75

хизматлари улушини 100 фоизгача, бир-гина Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатиладиган хизматлар улушини 50 фоизгача етказиш белгилан-ган. Маиший коррупцион ҳолатлар кўп кузатиладиган энг кўйи маҳалла тизи-ми 100 фоиз рақамлаштирилиб, ҳар бир маҳаллада “электрон хизмат нуқталари”ни ишга тушириш мақсад қилинган. Бу каби чора-тадбирлар ижтимоий ҳаётда корруп-ция ҳолатларининг кескин камайишига хизмат қилади. Натижада “Transparency International” халқро ташқилоти индек-сида қамда 50 поғона кўтарилиш кўзда тутилмоқда.

Тақдиротда давлатимиз раҳбари соҳада йўл қўйилаётган жузъий камчилик ва му-аммоларни яна бир бор қайд этди. Жумла-дан, кўп ҳолларда бу иллатнинг сабаблари четда қолиб, оқибати билан курашилаёт-гани, коррупцияга йўл қўймайдиган пре-вентив чоралар ҳали етарли эмаслиги, ҳар куни одамларнинг иши тушадиган ҳоким-лик, кадастр, банк ва солиқ идораларида бюрократия, “коррупциявий тўйнуқлар” тўлиқ йўқолмагани танқид қилинди.

Шунингдек, коррупциянинг фақат ка-майгани эмас, қанчасининг олди олинган-ига қараб давлат идоралари фаолиятини баҳолаш зарурлиги қайд этилди. Биргина ер аҳратиш бўйича шаффоф тизим жо-



фоизи шахар ва туманларда маиший шакл-да кузатиляпти.

Маиший коррупция навбатни тез-лаштириш, рухсатнома, маълумотнома, бола пули, ижтимоий ёрдам олиш ёки шунга ўхшаш бошқа қўндалик ҳолат-ларда кўзга ташланади. Унга қарши ку-рашнинг энг таъсирчан, самарали усули соҳаларни рақамлаштириш орқали имкон қадар давлат хизматларида инсон оми-лини камайитиришдир. Кейинги йилларда шу мақсадда давлат хизматлари марказлари тақдир этилиши, “my.gov.uz” ягона давлат хизматлари портали ишга туширилиши, турли мобил илова ҳамда электрон плат-формалар яратилиши маиший коррупция турлари камайишига замин ҳозирлади. Охириги саккиз йилда электрон давлат хиз-матлари сони 15 баробар ортиб, 721 тага етди. Улардан фойдаланувчилар эса 11 миллиондан ошгани ҳам бу йўналишдаги ишлар самарасини аққол кўрсатади.

Масалан, маиший коррупция энг кучли бўлган тармоқлар: мактаб ва мактабгача таълим, олий таълим, соғлиқни сақлаш тизимларида рақамлаштириш жараёни фаол давом эттирилмоқда. Мактабгача ва мактаб таълими тизимида 10 дан ортиқ хизмат тури тўлиқ электрон шаклга ўтка-зилди. Олий таълим тизимида 35 турдаги ҳужжатини инсон омилисиз олиш имкони яратилди.

Нафақат юқоридаги соҳалар, балки хавфсизлик, банк-молия, солиқ тизимла-рида ҳам рақамлаштириш ишлари жадал бажаришмоқда. Уларнинг амалий нати-жаси сифатида Ўзбекистон “Transparency International” халқро коррупция ва адо-латсизликка қарши курашиш ҳаракати-нинг “Коррупцияни қабул қилиш индек-си”да 2018 йилдаги 158-ўриндан 2024 йилда 37 поғона кўтарилиб, 121-ўриндан жой олди. Аниқ белгилаб олинган режа ва стратегияларга таянган ортага қайтмас ислохотлар билан шу натижага эришилди. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида электрон шаклда кўрсатиладиган давлат

рий қилингани, лекин жойларда бу борада ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар ҳалигача уч-раб тургани айтилди. Кадастр агентлиги, “Ўзбеккосмос”, қурилиш ва бошқа тегиш-ли ташкилотлар маълумотларини таҳлил қилиб, бундай ҳолатларга бутунлай чек қўйиш шартлиги таъкидланди.

Маиший коррупцияга барҳам беришда кучли парламентар ҳамда таъсирчан жа-моатчилик назорати ҳам муҳим. Жумла-дан, мазкур фармонга биноан, коррупция ва жиноятчиликка қарши курашда парла-мент ролини кучайтириш бўйича муҳим нормалар белгиланган эди. Унга кўра, Олий Мажлис палаталарига ҳар йили буюджетдан энг кўп маблаг оладиган учта вазирлик ва идорада коррупциявий омил-ларни аниқлаб, бартараф этиш бўйича тақдирлар киритиш мақсада халқро тажри-бани ўрганиб, кибермақонда коррупцияга қарши самарали курашиш бўйича мус-таҳкам ҳуқуқий база яратиш, ишчи гуруҳ тўзиб, “жизнотчиликка қарши курашиш ҳафталиги”да ҳар ойнинг 1-5 саналарида “қизил” тоифадаги маҳалларда жиноят-ларнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур таҳлил қилиш вазифалари юклатилган эди.

Тақдиротда парламентнинг масъул қў-миталари маҳаллагача тушиб, коррупция ҳолатларининг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш ҳамда ёшлар ўртасида корруп-цияга мурасасизлик муҳитини шаклан-тириш борасидаги таъсирчан чора-тад-бирлар хусусида фикр юритилди.

Коррупция илдири узок йилларга бо-риб тақалади. Унга қарши халқ ва давлат бирга, бир ёқадан бош чиқариб курашма-са, жамиятда бу иллатга нисбатан тоқат-сизлик муҳити шакллантирилмаса, енгиш мушкул. Айниқса, унинг оқибатлари эмас, балки сабаблари билан курашиш, олдини олишнинг самарали механизмларини жо-рий этмай, қўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

**Санжар ЭШМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири**



Мунаввара УСМОНОВА,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият ходими

Бошланиши 1-бетда

— Ўқитувчиман, аниқ фанлардан дарс бераман. Умр йўлдошим Зармитан конида ишлайди. Ер ости заҳмати одамни босиқ ва вазмин қилиб қўяди чоғи. “Шахтада вақт тушунчаси бошқароқ”, дейди у. Икки ўғлим ҳам ота-боболари йўлини танлаган. Қийин, аммо шарафли бу касб авлодга мерос бўлиб ўтди. Тўнгич ўғлимиз Асрорбек ҳам кончи. У баъзан-баъзан “очилади”, иши тўғрисида гаплашгиси келиб қолади: “Конда тонг отмайди, она. Кеча ва кундузнинг фарқи йўқ. Бизни мақсадимиз бошқаради. Балансдорвоз гап деманг-у, ватан биздан мана бунча бойлик кутяпти, деган мақсад шамчирок каби йўлимизни ёритиб боваради”, дейди. Ҳар йили саломатлигимизни тиклаш учун баҳаво масканлардаги сихатгоҳларда имтиёзли дам оламиз. Ўтган йили ҳам бир шоира опа билан ҳам-суҳбат бўлгандик. Олиму фузалолар билан суҳбат қилиш одамга руҳий озуқа берар экан-да. Аммо нега сиздай ижодкорларга биздай кончилар орасидан дам олиш учун жой қилиб беришган, бу бирликда қандай ҳикмат бор экан деб ўйлашиб қоламан, — дейди муаллима аёл қизиб бораётган суҳбатимиз орасида.

— Биз ҳам нина билан қудуқ қазийдиганларданмиз-да, — дейман гурурланиб. Аллома шoirимиз сўзга “тирик хазина” деб таъриф берган. Сўз — забаржад, сўз — гавҳар, олтин, заргарликнинг эса машаққати кўп деганлар. Демак, бизнинг меҳнатимизда ҳам кончиларникига ўхшашлиқ бор экан-да. Улар ер остидан қимматбаҳо маъдан қазиб юрт хазинасини бойитса, биз, сўз заргарлари маънавий хазинани тўлдиришга бел боғлаганмиз. Адабиётимизнинг тарбиячилик куч-қудратини ҳис этган, бу кучга ишонч билдирган давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан шундай жаннатмонанд масканларда биз ҳам ҳордиқ чиқаряпмиз, шукр! Аммо бизни, қолаверса, ҳар бир фуқарони ҳаётдан рози қилиш мақсадида яратилаётган бу шароитлар, баъзан одам боласининг ақлини шошириб юборадиган чиройли ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Йўл тутаб, хайрлашганимизда ҳам фикрий ҳаракат ҳаёлимда давом этаверди.

“Мен ҳам нимадир қилиб улгуришим керак”

Ислохотлар... Осонгина айтиладиган бу сўз замирида нечоғлиқ салмоқли маблағ, ташаббускорлик, фидойилик бор. Айтганимдай, бу заминга уч йил аввал келгандик. Ўшанда Зоминга келган саёҳатчи Супа текислиги, Шербулоқ ҳамда шаршарани кўриб қайтарди, холос. Ўтган фурсат оралигида қилинган бунёдкорликлар уч йил эмас, уч юз йилларнинг меҳнати самарасига ўхшайди, десам муболага бўлмайди. Хорижникидан қолишмайдиган меҳмонхоналар, Швейцария компанияси технологияси асосида барпо этилган 36 та кабинали осма дор йўли, 360 ўринли автотураргоҳ, соғломлаштириш маркази, ёшлар учун Бахт уйи... Қолаверса, узунлиги 305, бўйи 150 метр бўлган, Марказий Осиёдаги ягона кўприк ҳам одамлар хизматида. Шундай қулайликлар ичида инсон ўзини бу эзгуликларга муносиб билади. Ардоқланган, эъозланган ҳис қилади. Яшагиси келади. Бу ўзгаришлар Жиззах вилоятининг биргина туманига тегишли



эканини, юртимизда эса юздан зиёд бундай туман борлигини ўйласам, ғурурим бир неча баравар юксалади.

Сахрода яшаётган одамга бутун олам чўлу даштдан иборатдай туюлади. Орзулари, интилишлари ҳам шу кўникмага яраша бўлади. Аммо ҳар кун, ҳар ҳафта ўзгараётган, яхшиланаётган шароитда истикомат қилаётган инсоннинг табиати ҳам шунга мойил бўлади. Мудрамайди, уйғоқ туради. Ҳаёлида доим “тобора чирой очаётган ҳаёт учун мен ҳам нимадир қилиб улгуришим керак” деган бир истак яшайди. Биз бундай ҳақиқатни бугун фақат бунёдкорликлар йўналишида эмас, балки жамиятимизнинг жон томири бўлган барча жабҳаларда кузатамиз. Мисол учун, жамият барометри бўлган хотин-қизлар тузилмаларидаги ўзгаришларга бир нигоҳ ташлайлик.

Одил сиёсат бағрида

Мамлакатимиз раҳбарининг бу борадаги сиёсати, аввало, табиатнинг бу зариф яратилиши аёл, она мақомида улуглашга қаратилган. Улар ҳамиша давлат эътиборида, ҳимоясида, барча ҳуқуқ ва эркинликлари қонуңлар билан мустаҳкамланган. Авваллари тушунча ҳам, имконият ҳам бошқача эди. Бугун опа-сингилларимиз давлат бошқарувида, сиёсатда, қурилиш ва сановатда, тадбиркорликда, қўйингки, барча соҳа ва йўналишларда эркаклар қаторида фаолият юритмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги дадил одимлари халқроқ даражада ҳам эътироф этилмоқда. Бугунги кунда хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги улуши 35 фоизга, тадбиркорлик соҳасида 45 фоизга, сиёсий партиялар таркибида эса 49 фоизга етди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 38 фоизи, Сенат аъзоларининг 27 фоизи, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри кенгашлари депутатларининг 32,6 фоизи аёллардан иборат. Юртимизда хотин-қизларнинг таълим олиши учун кенг имкониятлар яратилгани боис, олий таълимда ўқиётган талабалар сонида хотин-қизлар улуши кўпроқ. Фоизсиз таълим кредитлари, эҳтиёжманд қизларга грантлар ажратилиши, хотин-қизларнинг магистратурадаги таълими учун маблағ давлат томонидан қоплаб берилиши каби имтиёзлар тўғрйли уларнинг олий таълимдаги камрови қарийб 53 фоизга, магистратурада эса 62,7 фоизга етди. Мутахассислиги бўйича камида беш йил меҳнат стажига эга, шунингдек, эҳтиёжманд оилалардан бўлган хотин-қизлар учун алоҳида қабул квоталари доирасида олий таълим олиш имкониятлари яратилган.

Дунёнинг қай бир бурчакларида аёл, онанинг кўз қароғида авайлаб улғайтирган ўғлонларини бағридан юлиб, ажал уруғлари сочилаётган урушларга юборилаётган паллада бизнинг оналаримизнинг “мўътабар аёл” дея эъозланиши, қўлларида гулдаста, кўксида ғурур билан эл рўпарасига чиқиши бошқача бахт эканини бу икки сурат, икки қисматни қиёслаб кўрганимизда теран ҳис этасан.

Лобар қизларимиз ҳам шу одил сиёсат бағрида қабул қилинаётган фармон ва қонуңларни қизларимизни камолот осмонларига кўтарувчи қанот сифатида баҳоласак, заррача муболага бўлмайди. Зулфия номидаги Давлат мукофоти ҳам ана шу қанотга куч берувчи омилардан бири.

Ушбу мукофот бериладиган ёш олимлар, спорт, санъат ва маданият вакиллари сафига жорий йил яна бир соҳа вакиллари — ахборот технологиялари соҳасидаги қизларимиз ҳам қўшилди. Бу — қизларимизнинг тафаккур имконларига бўлган ишонч. Бу ўзбек қизларининг қўлидан



фақат кашта тиқиш, овқат пишириш, уй тозалашдан ташқари яна кўп ишлар келади, деганидир. Улар дунёдаги техник чўққиларни забт этаётган бошқа миллат қизларидан кам эмас деганидир. Хизматимиз тақозосига кўра, бир неча нуфузли танловлар ғолиби Нодира Тиллаева билан кечган суҳбатимизда бу ҳақиқатга яна бир бор ишондик. Нодира Тошкентдаги INHA университетида IT йўналишида таҳсил олган.

— Болалигимдан аниқ фанларга қизиққанман. Лицейда ўқиб юрган чоғимда Ўзбекистонда илк бор ўтказилган “Technovation girls” халқроқ танловидаги иштироким келгусида айнан шу йўналишни танлашимга асос бўлган. IT бўйича илк билим ва тажрибаларим шу танлов доирасида яратилган “SOS-кнопка” иловасида ўз аксини топди. Бу илова хотин-қизларнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, ҳақамлар томонидан юқори баҳоланган.

Изланувчан қизнинг ютуқларида унинг шахсий тиришқоқлиги муҳим роль ўйнаган бўлса-да, бу ғалабаларни, ғолиблик-

йўлдошининг ишини давом эттиришга қарор қилди ва фермерликни ўз зиммасига олди. Зиеданинг чекига эса ўзи ҳадисини олган иш — тракторни бошқариш тушди. Бошида қийинчилик бўлди. Илк бор трактор рулини бошқарган куни ишни ғўзани культивация қилишдан бошлади. Қилаётган иши унга чинакам завқ бериб, кучига куч қўшди.

— Ҳозир фермер хўжалигига онам раҳбарлик қилади, аммо мен агротехник тадбирларни ўз вақтида бажариб, уларнинг зиммасидаги катта юкни енгиллатишга ҳаракат қилияпман. Ҳар йили ғалла ва пахтадан мўл ҳосил етиштириб, белгиланган режаларни ортиғи билан бажариб келяпмиз, — дейди Зиеда.

Диоландларимиз кўксимизга бахш этаётган фахр билан гурурларан эканман, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири устоз Абдулла Ориповнинг бундай сатрлари эсга келади:

*Фақат ўтмиш билан яшамас инсон,
Гарчанд бўлолмайди ундан ҳеч озод...*

Кўзимиз етса-да, қадамимиз етмасди

Эсимда сентябрь ойида уч-тўрт кунгина ўқирдик. Бошланғич синф ўқувчилари ҳам пахта йигим-теримига сафарбар қилинади. Бу хабарни етказган раҳбарлардан бирига ўқитувчимиз: “Бу ғўдакларга жабр бўлибди, беш-олтига дуркуни бор, холос, қолгани ғовлаган ғўза қатор ичида йўқолиб қолади-ку! Буларнинг бир тутам бели пахта тўла этакни кўтара оладими?” деганди. Менга ўшанда устозимиз йиғлаётгандек, овозида титроқ бордек туюлган эди.

Уйда дадамнинг эски қийғини этак қилиб боғлаётган онам: “Сентганинг терган пахстан билан план бажарилса, бажарилмай қуйиб кетсин-э, қандай замонда тўғилиб қолдинглар, болам-а!”, дея ёзиргани эсимда. Акаларим этак-этак кўсак териб келарди. Ярим тунгача танча атрофда кўсак чувиб, устунга суяниб мудраган пайларда бу заҳматли ҳаёт умрбод давом этадигандай туюларди. Ерга уруғ қадалгандан қор тушунга қадар даладан бери келмаган ўсимир фалакни кўзларимиди? Ўйлаб, орзулаб олиётгоҳ эшигига етганида ҳам кўпимиз ўқишдан йиқилардик. Мен атайлаб “йиқилмоқ” сўзини кўштироқсиз ёздим. Чунки бу чин маънодаги йиқилиш, йиқилиш бўлганда ҳам юзтубан тушиб парчаланиб кетишдек гап эди. Бу бир йил умр бекор кетади дегани эди. Ўрта мактабни битирган болага ҳеч қаерда иш йўқ, ота-онаси кимгадир шогирдликка берса, хўп-хўп. Агар буни ҳам уйда қиловмасалар, йиллар сувга оқарди. Балоғатга етиб ҳарбийга чақирилган ўғлонларимиз собиқ иттифокнинг турли томонларида хизматга кетарди. Ана ундан кейин ур-қалтақда қолгани қайси, мажруҳ бўлиб қайтгани қайси, тобутда келгани қайси... Қизларни эса оғзидан она сuti кетмай ўзатиб юборишарди. Бошқа нимаям қиларди... Мактабнинг тўққиз ойидан уч ойинигина партада, қолганини далада ўтказган бўлса...

Олийоҳлар эшиги ё катта пул, ё мансаби каттароқ амалдорлар кўнғироғи билан очилар эди. Бу жараён яқин йилларгача давом этганини ҳеч ким инкор этолмайди. Кейинги беш-олти йил ичида бу борадаги ноҳақликларга барҳам берилди. Энди ҳеч ким ҳеч кимга “танка” бўлолмайди. Билими бор, албатта, ўқийди. Бир олийоҳга кириш учун белгиланган бални тўппай олмаса, бошқасига кириш имкони бор.

Айни кунларда олий таълим муассасаларига киришда бир эмас, ўн эмас, 43 турдаги имтиёз мавжуд. Бугуннинг нафаси бошқача, имтиёзлари, инсонийлиги бошқача. Аммо яна ўша устоз шоир айтиб кетган гап... Ортага бир қарасам... “яшаб юрган эканмиз-да”, деган огрик бўғзимга қадалади.

Менга ота ватан бўлган Марҳамат тумани қўшни Қирғизистон билан чегарадош. Борди-келди, қуда-андачилик азалдан бўлган. Биз ҳам акамга келин туширганимиз. Шундай кунлар бўлдики, отаси оламдан ўтди деб хабар келганда ҳам келинимиз боролмади. Йўллар берк эди. Чегарага бориб бўйласа, ота уйининг томи кўриниб турган жойга кўзи етса-да, қадами етмасди, етолмасди. Энди бу мушкулотлар ҳам ечимини топди.

Ғайратли-шижоатли ёшлар каби кексаларнинг елкасига ҳам офтоб теғди.



Айниқса, пенсионерларнинг ҳужжатларни расмийлаштириш, нафақа олиш ташвишлари анча енгиллашди. Кексалик нафақасига чиқши учун бир йил уриниб ҳам ҳужжатларини расмийлаштиролмаган бир ёзувчини танирдим. У надомат билан: “Менга бундай нафақанинг кераги йўқ, эллик йил эл орасида хизмат қилиб, қалам тебратиб бунчалик хорланмаган, қийналмаган эдим. Тугилган туپроғимдагилар ўн йиллаб қилган меҳнатимни йўққа чиқаргандан кейин қолганлардан нимани умид қиламан?” дея изтироб чекканди. Худди шундай оддий одамларнинг дардига дармон топиш илнжида бош урган эшиклари деярли доим берк бўларди. Нималардан дир зорланиб ёзган арзлари ҳавода қолган, ҳаводорлар оддий одамлар билан мулоқот қилмайдиган замонларни ҳам кўрдик. Марҳаматда хотин-қизлар йўналишида фаолият юритган пайтларимда қозонида ёвгон ҳам қайнамаган хонадонларнинг қанчасини кўрганман. Шу маънода, бугунимизнинг ҳар сониясини толе билиб, манглайимизга суртсак арзийди.

Барчамизнинг бахтимизга янги ва самарали тизим яратилди. Энди халқни эшитадиган Президенти бор, энди халқнинг ишонган суянчи ва таянчи бор!

Заминимиз ва замонамизни яшнатмоқ ўзимизнинг қўлимизда

Оиламизда уч акам шифокор. Туман марказига бориб, Тошпўлловларни таънийсизми деб сўраса, “Дўхтирларми, юринг, уйини кўрсатаман”, деб йўл бошлашади. Оила даврасидаги суҳбатларимиз ҳам кўпинча тиббиётга бориб тақалади. Сулола давомчилари ҳам бор. Онамнинг талаби билан ҳар бир оиладан биттадан

фарзанд тиббиёт йўналишида таълим олмақда. Модомики гап мустақиллик даври муваффақиятлари ҳақида борар экан, биз учун қадрдон бўлган соҳа ривожига ҳам бир назар солгим келди.

2016 йилда тиббиётга бюджетдан ажратилган йиллик маблағ ҳажми беш триллион сўмини ташкил қилган бўлса, бугунга келиб бу рақам қирқ икки триллион сўмга етди. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлигини 78 ёшга етказиш дастури ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ўтган саккиз йилда тиббиётимизда қатор мегалойихалар амалга оширилди. Болалар миллий тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган гематология, Болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология, Миллий тиббиёт маркази каби ўнлаб замонавий муассасалар ана шулар

жумласидандир. Шунингдек, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Қорақалпоғистон филиали минтақада “нолдан” қурилган биринчи кўп тармоқли шифохона бўлди. 2017 йилда фақат Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган буйрак ва жигар трансплантацияси амалиётлари бугунги кунда туманлар даражасида йўлга қўйилди. 2023 йили давлатимиз раҳбарининг тегishли қарорига асосан, учта алоҳида муассаса негизида Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази ташкил этилди.

Ўтган йили сафарларимиз чоғида Амуларёда икки нафар ногирон боласи бор она билан суҳбатлашгандик. “Ўғилларим балоғат ёшига етган, аммо ер босиб юролмайди. Дадаси мактабда қоровул, мен уларга қаровчиман. Халқ қабулхонасига бордик, умид қилиб турибмиз”, деганди ўшанда кўзида ёш билан. Яқинда онанзор қувониб сим қоқди: “Олти ой олдин Тошкентда операция бўлган ўғилларим юриб кетди. Катгаси бу йил ўқншга ҳаракат қилаяпти, тўй қилсам айтаман”, дейди. Овозида қувонч дарров ороғимига қўқди.

Замонамиз истисқол бағрида қадим қудратини тиклашга астойдил чоғланган ўзбек аталмиш қадим миллат йўллари бизнинг йўлларимизга тирикликнинг, бахту иқболнинг сўлмас гулларини сочгандек. Уни ихлос билан, севиб, садоқат қўллари билан термоқ ва ғўзаллигига ғўбор кўндирмай, она диёр кўксига тақмоқ керак. Заминимиз ва замонамизни яшнатмоқ бизнинг зиммамизда. Қалбимизга ана шундай мунаввар истакларни нақшлаган истисқолимизнинг яна бир нурили бекати яқинлашаётган бу қутлуг кунларда шундай мустаҳкам аҳду қарор сизу биз билан бирга бўлсин!

БАРҚАРОР ҚУРИЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ СИФАТ ВА ШАФФОФЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН

Искандар ЎРОҚБОВЕВ,
Барқарор ривожланиш
маркази эксперти

Бошланиши 1-бетда

Жумладан, “Building Information Modeling” (BIM) технологиялари, дронлар орқали мониторинг ва рақамли назорат платформалари ишга туширилди. Экологик барқарорликни таъминлаш мақсадида энергия самарадорлиги талаблари кучайтирилиб, қайта ишланган материаллардан фойдаланиш мажбурий қилинди ва “яшил” сертификат тизими жорий этилди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси ва унинг БМТ Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) билан уйғунлиги мамлакатнинг глобал майдондаги позициясини мустаҳкамлаб, қурилиш соҳасидаги ислохотларни жадаллаштирди. Стратегия доирасида урбанизация даражасини 60 фоизга етказиш, ҳудудларда 1 миллион хонадонли уй-жойлар қуриш, “Янги Ўзбекистон” массивларини 100 тагача қўлайтириш, эски биноларни реновация қилиш, қурилишда янги стандартлар жорий этиш ва кўчмас мулк объектларини улуш киритиш асосида қуриш учун қонуний базани шакллантириш ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими жорий этилиши соҳадаги талон-тарожлик ва бюрократик тўсиқларни бартараф этишга хизмат қилапти. Тизим мунтазам тақомиллаштирилиб, қурилишда шаффофлик ва сифатни таъминлашга ҳисса қўшмоқда.

Иқтисодиётдаги улуши қандай?

Маълумотларга кўра, 2024 йилда иқтисодиётда банд бўлган 14,3 миллион аҳолининг 9,5 фоизи (1,4 миллион киши) қурилиш соҳасида фаолият юритган. Мамлакат ЯИМ ҳажми 115 миллиард долларни, бунда қурилиш тармоғининг улуши 7 фоизни ташкил этди.

Соҳа инфратузилмани ривожлантириш, иш ўринлари яратиш ва инвестицияларни жалб этиш орқали иқтисодий ўсишга ҳисса қўшмоқда. Рақамларга эътибор қаратайлик. Ўтган йили 40 миллион квадрат метр бино-иншоот қурилди, жумладан, 100 минг

хонадонли 2044 та кўп қаватли уй барпо этилиб, 350 минг киши иш билан таъминланди. Ёндош тармоқларда 11 триллион сўмлик бозор ҳосил бўлиб, иқтисодиётда 73 триллион сўм маблағ айланди ва бюджетга 14 триллион сўм тушди. Соҳани қўллаб-қувватлаш мақсадида 2024 йилда 59 минг шахсга 17 триллион сўм ипотека кредити ва қурилиш компанияларига 3 триллион сўм айланма маблағ ажратилди. Бу ипотека ва айланма маблағлар орқали қурилишни молиявий рағбатлантириш самарадорлигини кўрсатади.

Ўртимизда аҳоли сони ва даромади кўпайиши ортидан турар жойга эҳтиёж ошиб бораётир. Қурилиш кўлами ҳам шунга мос тарзда ўсмоқда. Масалан, 2020 йилда 12,9 миллион квадрат метр турар жой фойдаланишга топширилган бўлса, 2024 йилда 14,8 миллион квадрат метрга етди (ўсиш 15,3 фоиз).

Шаҳарсозликда янгича ёндашувлар жорий этилаётгани эса одамларнинг уй-жой харида қилишида қўлайликлар ва шаффофликни таъминлаяпти. Ҳозир исталган ҳудуддан воситачиларсиз, исталган тўлов шаклида хонадон харида қилиш мумкин. 2025 йил июлидан эса қурилиш соҳасида янги механизм — эскроу тизими жорий этилди. Бу аҳоли маблагини ҳимоя қилиш, қурилишнинг шаффофлиги ва сифатини таъминлаш ҳамда жараёни рақамли назорат қилишга қаратилган амалиётдир. Замонавий тизим девелоперларга 1 миллиард доллар айланма маблағ жалб қилиш имконини беради, ипотека ва субсидиялар ажратиш қурилиш билан бирга бошланади.

Яна бир жиҳат, Тошкент шаҳри бош режаси тасдиқланиб, қурилишга рускат ва архитектура-режалаштириш топшириғи ягона тизимга бирлаштирилди, вақт икки баравар қисқартрилмоқда. Бу тизим бошқа вилоятларда ҳам жорий этилади.

Соҳада “яшил” стандартлар, энергия самарадор технологиялар жорий қилиниб, “ақлли” шаҳар ва “ақлли” уй тамойиллари амалиётга татбиқ этилмоқда. Давлат объектларига видеокузатув ўрнатилиши, маълумотларни онлайн узатиш, ноқонуний қурилишларга жамоатчилик назоратини кучайтириш ва қурилиш олдига QR-кодли маълумотларни жойлаштириш каби чоралар қўрилмоқда.

Сармоя ҳам катта

Сўнгги етти йилда мамлакатимизда қарийб 100 миллиард долларлик қурилиш амалга оширилиб, соҳадаги ишлар ҳажми йилга ўртача 7-8 фоиз ўсаяпти. Бунинг учун эса катта маблағ талаб этилишини оддий одам ҳам яхши тушунади. Сармоя қанча кўп бўлса, кўлам шунча юқори бўлади. Масалан, ўтган йили турар жой қурилишида 25 триллион сўм инвестиция ўзлаштирилди. Бунда давлат ва хусусий сектор маблағларининг мутаносиблиги соҳанинг барқарорлигига хизмат қилмоқда.

2020 йилда 88,1 триллион сўмлик қурилиш амалга оширилган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич 233,8 триллион сўмга етди (ўсиш — 165,4 фоиз). Бундай юқори суръат инфратузилмани модернизация қилиш, турар жой ва ишлаб чиқариш объектлари

қурилиши ҳамда шаҳарсозлик фаоллашгани билан изоҳланади. Шу билан бирга, бу ўсиш иш ўринлари кўпайиши, маҳаллий материалларга талаб ошиши ва инвестиция муҳити яхшиланганини кўрсатади.

2024 йилда турар жой қурилишига йўналтирилган инвестиция ҳажми 38 триллион сўмни ташкил этди ва умумий инвестицияларнинг 7,7 фоизига тенг бўлди. Шу билан бирга, қурилиш соҳасини ривожлантиришга ажратилган инвестициялар 27 триллион сўмни ташкил қилиб, жами



инвестиция ҳажмида 5,5 фоиз бўлди. 2024 йил якунларига кўра, қурилиш тармоғида яратилган ялли қўшилган қиймат ҳажми 96,8 триллион сўмни ташкил этди ва 2023 йилдагига таққослаганда қурилиш ҳажми 8,8 фоиз ўсди. Ўтган йилда амалга оширилган умумий қурилиш ишларининг асосий қисми — 75,6 фоизи ёки 176,8 триллион сўм иқтисодиётда янги бинолар ва иншоотларни, яъни турар жой ва бошқа ижтимоий объектларни барпо этишга тўғри келади. Умумий қурилиш ҳажми таркибида янги қурилиш, реконструкция, кенгайтириш ва техник қайта қуриш ишлари бўйича кичик корхона ва микрофирмалар улуши 40 фоизни ташкил этди. Шунингдек, 34,5 фоиз норасмий сектор, 25,5 фоизи йирик ташиқлотлар ҳиссасига тўғри келяпти.

Соҳа асоси — маҳаллий sanoat

Қурилиш соҳаси ривожини бошқа тармоқлар, биринчи навбатда, маҳаллий қурилиш sanoati ўсиш кўрсаткичларига таъсир кўрсатмоқда. Ўтган йили бу соҳада умумий қиймати 40 триллион сўм бўлган маҳсулот ишлаб чиқарилгани ва ўсиш 2023 йилдагига нисбатан 112 фоиз ошгани бунинг исботи. Қурилиш материаллари экспорти 1 миллиард долларга етказилиб, соҳада 2,2 миллиард доллар инвестиция ўзлаштирилди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида эса 3,5 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 128 фоиз ўсишга эришилди.

Жорий йилда кўзланган марра янада юқори — қурилиш материаллари sanoatida ишлаб чиқариш ҳажмини 50 триллион сўмга етказиш режалаштирилган. Шунингдек, 1,2 миллиард доллар миқдорда экспорт кўзда тутилмоқда.

Сўнгги етти йилда қурилиш материаллари sanoatida 5 мингга яқин янги корхона ишга туширилиб, 94 мингта доимий иш ўрни яратилди. Ишлаб чиқариш ҳажми икки баробар ошиб, йиллик товар айланмаси 100 миллиард сўмдан юқори бўлган корхоналар сони 150 тадан кўпайди.

Европа минтақаларида Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича энг тез суръатларда тараққиётга эришган давлат сифатида эътироф этилган. Бу борадаги ислохотларимиз юқори баҳоланган бўлса-да, БРМнинг alohida йўналишлари кесимида ечимини кутаётган айрим муаммолар сақланиб қолмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон олдига соғлиқни сақлаш ва фаровонликни таъминлаш, тоза ичимлик сув ва санитария, арзон ва барқарор энергия манбаларидан фойдаланиш, шаҳарлар ва аҳоли яшаш масканларининг барқарор ривожланиши, иқлим ўзгаришига қарши курашиш, қуруқликдаги экотизимларни муҳофаза қилиш ҳамда самарали, ҳисобдор ва инклюзив институтларни шакллантириш каби ҳал этилиши лозим бўлган устувор вазифалар турибди. Ушбу соҳалардаги мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш БРМга эришишда муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, миллий ривожланиш стратегиялари билан БРМ мақсадларини уйғунлаштириш ва секторлараро ҳамкорликни кучайтириш долзарб вазифа сифатида қўрилмоқда.

Техник ва экологик назорат муҳим масала

Бу йўналишда ҳам қатор масалалар мавжуд. Биринчидан, қурилиш ишлари ҳажми ортиши ва инфратузилмага талаб кескин ўсиши мавжуд сифат назорати механизмлари самарадорлигини таъминлашни қийинлаштирмоқда. Айниқса, малакали мутахассислар, замонавий назорат ва лаборатория ускуналари етишмовчилиги, шунингдек, амалдаги технологик стандартлардан четга чиқиш ҳолатлари соҳа сифатини таъминлашга жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Иккинчидан, қурилиш соҳасида ҳанузгача сақланиб қолаётган бюрократик тўсиқлар ҳам сифат назоратининг тизимли таъминланишига ҳалал берапти. Мазкур муаммоларни бартараф этиш мақсадида “Шаффоф қурилиш” ахборот тизими жорий этилган бўлса-да, унинг тўлиқ ва самарали фаолият юритишини таъминлаш учун қўшимча таъминлик ва технологик чора-тадбирлар қўрилиш талаб этилади.

Шу боис, қурилиш соҳасида сифат назоратини самарали ташкил этиш ва тизимли равишда амалга ошириш учун қатор устувор йўналишларга alohida эътибор қаратиш зарур. Жумладан, соҳадаги норматив-ҳуқуқий базани тақомиллаштириш, назорат ва сертификатлаштириш институтларини институционал жиҳатдан мустаҳкамлаш, рақамли технология ва ахборот тизимларидан кенг фойдаланиш ҳамда малака ошириш ва мутахассислар тайёрлаш тизимини ривожлантириш сифат назоратини яхшилашда ҳал қилувчи омиллар сифатида қайд этилади.

Қурилиш материаллари бозорига сифатсиз ва амалдаги стандартларга жавоб бермайдиган маҳсулотлар айланмаси сифат назорати тизимига таҳдид солмоқда. Ушбу хавфларни қайтариш мақсадида давлат назоратини кучайтириш, стандартлаштириш

механизмларини тақомиллаштириш ҳамда лаборатория синовларини мажбурий тартибда ўтказиш юзасидан ҳуқуқий ва институционал асослар яратилмоқда.

Қурилиш жараёнида экология ва энергия самарадорлиги масалалари ҳам долзарб. Янги талабларга мувофиқ, биноларда энергия тежовчи ойна, қайта ишланган хомашё ва “яшил” сертификат талаблари жорий этилмоқда. Бу, ўз навбатида, сифатни техник ва экологик жиҳатдан ҳам назорат қилишни талаб этади. Мазкур йўналишда қўнғичилик ва техник регламентлар тақомиллаштирилмоқда, жумладан, “яшил” қурилиш стандартларини жорий қилиш, ушбу стандартлар асосида сертификация тизимини ривожлантириш ва назорат механизмларини кучайтириш орқали қурилиш жараёнида барқарорлик тамойиллари янада мустаҳкамланмоқда.

Бундан ташқари, қурилиш соҳасида илмий тадқиқотлар натижалари ва замонавий инжиниринг ечимларининг амалиётда етарлича қўлланилмаётгани, шунингдек, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимидаги мавжуд бўшлиқлар соҳа ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда. Мазкур муаммоларни бартараф этиш мақсадида илмий-тадқиқот институтлари билан амалиётчилар ўртасида ҳамкорликни кучайтириш, муҳандислик таълим тизимини модернизациялаш, амалий ўқув ва стажировкаларни кенгайтириш, шунингдек, инновацияларни жорий этиш учун грант ва рағбатлантириш механизмларини яратиш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Қандай имтиёзлар бор?

Ўзбекистонда қурилиш соҳаси жадал суръатларда ривожланиб, ундаги инвестициявий муҳит йил сайин янада жозибadorлик касб этапти. Давлат томонидан кенг кўламли инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, янги шаҳарлар ва турар жой массивларини барпо этиш, қурилиш материаллари sanoatini қўллаб-қувватлаш орқали маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Хусусан, “Янги Тошкент” лойиҳаси, “Янги Тошкент” мегаполис лойиҳаси доирасида 2 миллион аҳолига мўлжалланган янги меғашаҳар, 20 миллион йўловчига хизмат кўрсатадиган аэропорт ва мулътимодал хаб ташкил этилиши, халқро даражадаги молия марказлари, офислар, савдо ва кўнғичовар мажмуалар қурилиши, “Янги Ўзбекистон” турар жой массивларини ҳудудларда жадал барпо этиш каби йирик лойиҳалар қурилиш компаниялари ва девелоперлар учун имкониятлар яратмоқда.

Қолаверса, инвесторлар учун бошқа қўлайликлар ҳам бор. Масалан, ер ости бойлиқларидан самарали фойдаланиш йўналишини олдидан бўлса, Ўзбекистондаги 3 триллион долларга тенг хомашё захиралари (литий, вольфрам, графит ва бошқалар) қурилиш материаллари sanoatini локаллаштириш ва технологик кластерлар яратиш учун улкан салоҳиятни намoён этмоқда. Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ташкил этилаётган Келажак металлари технопарки эса инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи, тайёр қурилиш материаллари экспорт қилувчи инвесторлар учун барқарор бозор, узоқ муддатли даромад манбаи ва давлат кафолатлари билан таъминланган платформа ҳисобланади.

Инвесторлар учун солиқ ва инвестициявий имтиёзлар бор. Хусусан, қурилиш материаллари тайёр маҳсулот сифатида ишлаб чиқарувчи компаниялар учун 10 йил муддатга рента солигини қайтариш амалиёти йўлга қўйилаётгани инвестицион муҳит янада жозибador бўлишига хизмат қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда қурилиш соҳаси жадал ривожланиб, мамлакат иқтисодиёти ва инфратузилмасининг стратегик драйверларидан бирига айланмоқда. Соҳада рақамлаштириш жорий этилиши, “яшил” стандартлар ва барқарор қурилиш тамойиллари кенг қўлланилиши, шунингдек, йирик инвестициявий лойиҳалар амалга оширилиши унинг ўсиш суръатларини таъминлаяпти.

Ислохотларни изчил давом эттириш, хусусий сектор ва давлат ҳамкорлигини кенгайтириш ҳамда халқро таъжрибadorли жорий этиш соҳанинг узоқ муддатли самарадорлигига эришишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Сапура ИСМЕТОВА,
Халқ депутатлари Нукус шаҳри
кенгаши депутаты

Сўнгги йилларда Нукус шаҳри жадал суръатда обод манзилга айланмоқда. Кўз ўнгимизда кўчалар, маҳаллалар ўзгариб борапти. Шаҳарда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро ушбу янгиланишлар жараёнининг нафақат гувоҳи, балки иштирокчиси ҳамдир. Чунки ҳудудларини ҳар томонлама ривожлантириш, аҳоли пунктларининг меъморий қиёфасини замон талаблари асосида янгиллаш, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини тақомиллаштириш, ижтимоий соҳа объектларини яратиш каби кенг кўламли ислохотлар кундалик юмушимизга айланган. Шу тариқа халқимиз бирлашиб, янги Ўзбекистон тарихини яратмоқда.

НУКУСЛИКЛАР ҚАЛБИДА ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ ОРТМОҚДА

Давлатимиз раҳбари шу йил 10 июль куни “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорни имзолади. Ушбу ҳужжатга кўра, бу йилги байрам “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” эзгу гоёси асосида ўтказилиши халқимизга байрамона кўтаринки кайфият бағишлади. Айниқса, жойлардаги ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларини янада жадаллаштирди. Хусусан, нукусликлар ҳам яратувчанлик кайфиятида бир бутун халқ, ягона ватан бўлиб олган интиломоқда.

Бугуннинг гапи

“Nukus City” турар жой массивлари, IT парк биноси сингари инновацион шаҳарсозлик намуналари барпо этилмоқда.

Ушбу эътиришлар жараёнида яна бир жиҳатга алоҳид эътибор беришимиз керак. Яъни ислохотлар мазмун-моҳиятини, қабул қилинаётган янги фармон ва қарорларнинг аҳамиятини халқчил тилда жамоатчиликка тушунтириш ҳам муҳим. Қолаверса, аҳоли муражаатлари билан ишлаш, уларга тезкор ечим топиш бугун масъуллар олдидagi жиддий вазифа. Шу боис, мунтазам равишда очиқ мулоқотлар ўтказиб келинмоқда.

Юқорида айтганимиздек, Нукус шаҳрининг ҳар бир кўчаси обод бўлиб борапти. Айниқса, дарахтлар экиладиган майдонларда, жумладан, Қўшбулоқ ва Бўзовул маҳаллалари ҳудудларидаги ички йўллари боғловчи Майовул кўчаси бўйлаб кўзини қувонтирадиган қанна гуллари экилган. Бу гулларнинг қуёш нуридаги жилвасида ҳаёт гўзаллиги, тинчлик фидосаси бордек гўё.

Нукус шаҳрида инвестиция муҳити ҳам сезиларли даражада яхшиланаяпти. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси асосида




Нукус яшил ҳудудга айланди. Шаҳримиздаги Ҳаво йўли маҳалласида 140 хонадонли, Чимбой гузарини маҳалласида эса 200 хонадонли уй-жойлар қад кўтарди. Аввал бу жойларни кўрган киши ушбу қумлоқ жойда янтоқдан бошқа ҳеч нарса унмайди деб ўйларди. Бугун бу қараш ўзгариб кетди.

Аҳолини сифатли ичимлик сув билан таъминлаш ва оқова сув тизимларини яхшилаш мақсадида Отамакон, Бестобе,

Яшилбоғ, Қутли макон, Саманбай, Телеорай ва Чимбой гузарини маҳаллаларига оқова сув келтирилди.

Нукус шаҳридаги “Богчилик” маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам сўнгги йилларда инсон қадрини юксалтириш борасида эзгу ишлар қилинмоқда. Худудда бугунги кунда 517 ҳўжаликда 2897 аҳоли яшайди. Ўтган асрнинг 1977-1978-йилларигача бу ҳудуд Нукус туманига қарашли бўлган. Кейинчалик Нукус шаҳрига қўшилгач, хонадонлар сони кўпайиб, уйлар ноқонуний равишда қурилаверган. Президентимизнинг 2018 йил 20 апрелдаги “Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчилик билан қурилган уй-жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини тан олиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида”ги фармони асосида маҳалладаги 434 та хонадонга янги кадастр ҳужжати берилди. Кўчалар тартибга келтирилиб, Наврўз, Ободонлаштириш, Балиқчи, Тотувлик, А.Қунназаров кўчалари асфальт қилинди. Саўир, Қипчоқ, Бахтли, Богчилик, Шодлик кўчаларига қум-шағал тўшалиб, хонадонларга ичимлик сув тармоқлари тортилди. Шу билан бирга, ҳудуддаги ижтимоий ҳимояга муҳтож 32 та хонадон эгалари уйларининг томи ёпиб берилди.

Дунё ҳамжамияти томонидан “Ўзбекистон — имкониятлар мамлакати” деб тан олинми бежиз эмас. Чиндан ҳам инсон қадри улугланаётган юртимизда бундай эзгу ишлар ҳар кун амалга оширилаяпти.



УШБУ МАКОЛАНИ ҚОРАЛПОҚ
ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Олий таълим ислохотлари янги ўқув даргоҳи – Янги имкониятлар маскани

Жорий йилнинг 24 январь санаси Бухоро илм-фани ҳамда ёшлари келажаги учун тарихий кун бўлди. Гап шундаки, айнан Президентимиз имзолаган қарор асосида Бухоро муҳандислик технология институти ҳамда Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти бирлаштирилиб, Бухоро давлат техника университети ташкил этилди.



Садоқат СИДДИҚОВА,
педагогика фанлари бўйича
фалсафа доктори

Бу нафақат янги олий таълим муассасаси очилганидан, балки ҳудуднинг илмий, технологик ва иқтисодий тараққиёт йўлида янги босқичга кўтарилганидан далолат беради. Чунки қарорда келтирилганидек, мазкур ўқув даргоҳи фаолияти Бухоро вилояти иқтисодиёт тармоқлари, жумладан, ишлаб чиқариш, муҳандислик, нефть ва газ, транспорт ҳамда логистика соҳалари учун замонавий билим ва кўникмаларга эга олий маълумотли мутахассис кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, олий таълим ташкилотларининг мавжуд ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида йўлга қўйилди.

Мамлакатимизда илмга, хусусан, муҳандислик ва техника йўналишига эътибор кейинги йилларда анча ортди. Ўтган йил 20 июнь кунини муҳандислик соҳаларида кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасалари фаолиятини аниқлаш таъминлаштириш масалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президентимиз муҳандислик



QR-КОД ОРҚАЛИ
ВИДЕОГА ЎТИНГ!

ва техника соҳаси бўйича олий таълим муассасалари фаолиятини таҳлил қилар экан, мавжуд муаммолар — инфратузилма етишмовчилиги, саноат билан илм-фан ўртасидаги узилиш, малакали кадрлар тайёрлашда мувофиқлиги йўқлигини танқид қилиб, амалий ечимлар, қатъий топшириқлар, муҳим ташаббусларни илгари сурган эди. Натижада ҳар бир ҳудудда техника йўналишидаги олий таълим муассасаларини оптималлаштириш, бирлаштириш ва уларни кучли, марказлаштирилган илм-фан масканларига айлантириш вазифаси қўйилди. Бухоро давлат техника университети ҳам ана шу ташаббус маҳсули бўлди.

Ўқув даргоҳимиз “яшил” ва инклюзив университет моделидир. Бу дегани, университет нафақат техник билимлар берувчи маскан, балки экологик барқарорлик, ижтимоий тенглик, замонавий энергия ечимлари, гендер тенглик ва рақамли трансформацияни илгари сурувчи илгор маскан сифатида шаклланимоқда.

Мазкур йўналишда аллақачон жиддий қадамлар қўйилмоқда. Хусусан, IT ва муҳандислик инклюзив таълим маркази ташкил этилди. Келгусида бу ерда ёшлар, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам вакиллари билим олишга жалб қилинади. Шунингдек, университетимизда Илгор муҳандислик мактаби ташкил этилди. Бу фақат назарий таълим эмас, балки реал ишлаб чиқариш муҳитига мослаштирилган, амалиёти кучли муҳандислар тайёрлаш учун яратилган махсус моделдир.

Илгор муҳандислик мактаби таркибиде рақамли тадқиқотлар, илмий тадқиқот, нефть ва газ иши ҳамда нефть ва газ қимёси ва технологияси лабораториялари иш бошлади. Улар замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланиб, ишлаб чиқариш билан беvosитга боғланган лойиҳаларни амалга ошириш имкониятини беради. Лабораториялар саноат ҳамкоримиз — “Ўзбекнефтьга” АЖ билан келишув бўйича жиҳозланган бўлса,

иш билан таъминланган. Бу фақат диплом эмас, балки ҳақиқий карьера имконияти бераётган таълим тизимининг исботи.

“Карьера кунлари”, ҳокимликлар билан оқибат суҳбатлар, саноат корхоналарида амалиётлар ва индивидуал ёндашувлар орқали талабалар ишлаб чиқариш объектларига жалб қилинмоқда. Шунингдек, 207 профессор-ўқитувчимиз хорижий ва маҳаллий ташкилотларда илмий стажировкаларга юборилди.

Техника тараққиёти ҳар доим жамият тараққиётининг асоси бўлиб келган. Бухоро давлат техника университети эса технологик ривожланишнинг таянч нуқтасига айланмоқда. Ҳозирги босқичда университет томонидан қуйидаги йўналишларда катта ўзгаришлар қилинмоқда:

халқаро грантлар ва инвестициялар жалб қилиш (2025 йилда 5,6 миллион доллардан ортиқ);

▶ дуал таълим тизимини ривожлантириш;

▶ саноат корхоналари билан ўзаро интеграция;

▶ замонавий ўқув методологияларини киритиш;

▶ инновацион стартаплар учун махсус платформалар яратиш.

Хулоса қиладиган бўлсак, Бухоро келажак техникасининг марказига айланмоқда. Ҳар бир лаборатория, ҳар бир илмий лойиҳа, ҳар бир битирувчи — Ўзбекистон келажагига қўшилаётган реал ҳисса.

Президентимиз айтганидек, олий таълимда трансформация фақат тузилма ўзгариши эмас, балки тафаккур, методология, мақсад ва шиорлар ўзгаришидир. Университетимиз айнан шундай трансформация сари илдам қадам ташламоқда. Бугун Бухорода ёнган илм-фан машъали эртага бутун мамлакатни технологик юксалиш сари бошлайди. Зеро, ҳар бир жамиятнинг келажаги ёшларнинг билимида, кучида ва салоҳиятидадир.



Миллий давлатчилигимиз тарихидан

Тахминан 840-1218 йилларда ҳукмронлик қилган қорахонийлар сулоласи Марказий Осиё тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Улар ислом динини биринчи бўлиб қабул қилган ҳамда кўп миллатли, шаҳарлашган империяни бошқарган йирик туркий давлат сифатида минтақанинг ижтимоий-сиёсий ва маданий тузилмасида чуқур ўзгаришларни бошлаб берди.

Асли кўчманчи чорвадор қарлуқ иттифоқидан келиб чиққан бу сулола Шарқий Туркистондаги Қашғардан Ғарбий Туркистоннинг маданий ва савдо марказлари — Самарқанд ва Бухорогача бўлган ҳудудда мустақил, қудратли давлат барпо этди. Қорахонийлар ҳукмронлиги туркий-исломий ўзлик ривожини, туркий сиёсий анъаналарнинг исломий доирада институционаллашуви ҳамда тил ва маданият тараққиётида асосий босқич бўлиб хизмат қилди. Бу жараёнлар охири-оқибат ўзбек миллати шаклланишига замин яратди.

Қорахонийлар сиёсий тизими 840-йилда Уйғур хоқонлиги парчаланиши ортидан юзага келди. Дастлаб Фарғона водийси ва Чу-Или минтақасига кўчиб келган ярим кўчманчи қарлуқлар минтақавий устуңлик учун курашга киришди. Х аср бошларида қарлуқ ябғулари етарли сиёсий куч тўплаб, қорахонийлар номи билан танилган сулолага айланди. Уларнинг сиёсий марказлари олдин Баласоғун ва Қашғар, кейинроқ эса Самарқанд бўлди.

Сулола сиёсий ҳукмронлигини Турк ва Уйғур хоқонлиқларининг мероси сифатида хоқон, ябғу, тудун, тегин, тархон каби туркий императорлик унвонларини қабул қилиш орқали мустаҳкамлади. Бундай унвонлар фақат маросимий эмас, балки сиёсий тизимнинг асоси бўлиб хизмат қилди. Давлат улуг хоқон бошчилигида вилоятларда ҳукмронлик қилган шахзодалар орқали бошқариладди. Бу иерархия ва бир вақтнинг ўзида марказсиз тизим турлича этник ва маданий гуруҳларни бирлаштирган йирик империяни самарали бошқариш имконини берди.



Сатук Бугроҳон

Х аср ўрталарида қорахоний хоқон Сатук Бугроҳон томонидан исломнинг расман қабул қилиниши туркий халқлар тарихида бурилиш нуқтаси бўлди. Бу воқеа сулолани мусулмон дунёси билан ҳар томонлама бирлаштирди. 960-йилга келиб, қорахоний давлати аҳолисининг аксарияти исломни қабул қилган эди ва ислом расмий давлат дини деб эълон қилинди.

Қорахонийлар ҳомийлигида диний институтлар равнақ топди, масжидлар, мадрасалар ва вақфлар барпо этилди. Бу муассасалар исломий таълим ва фикрни тарқатиш билан бирга ижтимоий интеграция ва сиёсий қонунийликни мустаҳкамлаш воситаси бўлиб хизмат қилди. Сунний ханафий мазҳаби қабул қилиниши уларни Аббосий халифалиги билан яқинлаштирди, халифа уларга раъзий унвонлар бериш орқали ҳокимиятини тан олди.

Қорахонийлар давлати энг юқори даражада ривожланган даврида шарқда Или дарёси ва Иссықкўл қўлидан ғарбда Бухоро ва Самарқандга бўлган кенг ҳудудни ўз



ичига олган эди. Бу йирик ҳудуд шарқий ва ғарбий тармоқларга бўлиниб бошқарилган бўлиб, қадимий Евроосиё дала-қирлари кўчманчи чорвадорлари анъаналарига кўра, сулола аъзоларининг улкан давлатни ҳамкорликда бошқариш стратегиясини акс эттирди. Шарқий тармоқ — Баласоғун-Қашғар кўпрок туркий кўчманчи анъаналарни сақлаган бўлса, ғарбий тармоқ — Мовароуннаҳр ўзида янги шаклланган турк-форс бюрократик маданият таъсирини чуқурроқ сингдирган эди.

Қорахонийлар кўчманчи бошқарув моделини исломий бошқарув тизими билан уйғунлаштирди. Уруғда иерархия ва ҳарбий мажбуриятлар сақланиб қолган бўлса-да, сулола солиқ, қонунчилик ва шаҳар ҳаётини бошқаришда форс тилида сўзлашувчи амалдорлар синди-га таянди. Бу мураккаб тизим мослашувчанлик ва барқарорлик таъминлади.

Қорахонийлар даври Марказий Осиёда тил ва маданият тарихида бурилиш нуқтаси бўлди. Илк бор туркий тил юксак адабиёт, сиёсий назария ва диний таълим воситаси сифатида ишла-тила бошланди. Мазкур жараён исломий нутқ ва илм-фаннинг туркийлашувиغا сабаб бўлди.

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари туркий халқлар шева-ларини, мақоллари ва оғзак анъаналарини ўз ичига олган лугавий ва этнографик энциклопедия-дир.

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида исломий сиёсий фалсафа туркий ахлоқий қадриятлар билан уйғунлашади. Асар туркий қадриятларнинг давлат бошқарувида муҳим ўрин эгаллаганини кўрсатади. Аҳмад Югнакийнинг энг машҳур асари “Хибаб ул-ҳақойиқ” деб аталади. Бу ахлоқий-дидактик дoston исломий қадриятлар асосида ахлоқий панд-насиҳатларни тарғиб қилади. Асарда туркий адабий ифода ва исломий тафаккур уйғунлашган бўлиб, у нафақат олимлар, балки кенг оммага ҳам мўлжалланган эди. Мазкур асар Марказий Осиёда туркий-исломий адабиёт тараққиётига муҳим ҳисса қўшган.

Аҳмад Яссавийнинг энг машҳур асари “Девони ҳикмат” бўлиб, у туркий шеърлардан иборат тасаввуфий дostonлар тўплами-дир. Асарда илоҳий муҳаббат, тавозе, руҳий покланиш каби асосий суфий мавзулар баён этилган. Бу асар туркий халқлар орасида тасаввуф ғоялари кенг ёйилишида муҳим роль ўйнаган ва Марказий Осиёнинг маънавий ҳаётига чуқур таъсир кўрсатган. Соддалиги ва эсда қоладиган тили сабабли “Девони ҳикмат” асарлар давомида оғиздан оғизга кўчиб, кенг тарқалган.

Қорахонийлар Марказий Осиёда исломий меъморлик равнақ топишига катта ҳисса қўшди. Уларнинг ҳукмронлиги Бухоро, Самарқанд ва Ўзганд каби Ипак йўли шаҳарларининг тикланиш даврига тўғри келди. Сулола диний бинолар, жамоат иншоотлари ва мақбаралар қуриш орқали ўз ҳокимиятини моддий тимсолақ айлантирди.

Ўзганд ёлғорлик мажмуаси — мақбаралар ва миноралар қорахонийлар шарқий тармоғининг меъморлик ютуқларини яққол намоён этади. Бухоро ва Самарқандда эса улар томонидан бунёд этилган масжид ва мадрасалар кейинчалик темирйиллар даври меъморлик анъаналарига асос бўлди.

Қорахонийлар даврида (X-XII асрлар) Бухоро Марказий Осиёнинг йирик диний ва маданий марказларидан бири сифатида ривож топди. Бу даврга оид меъморий



2025 йил
2 август, 157-сон

5

Янги тахрирдаги Конституциямиз муқаддимасида “давлатчилигимиз ривожининг уч минг йилдан зиёд тарихий тажрибаси, шунингдек, жаҳон цивилизациясига беқийёс ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг илмий, маданий ва маънавий мероси” алоҳида таъкидланади.

ёдорликлар орасида Мағоки Аттот масжиди алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, у Бухородаги энг қадимги масжидлардан бири саналади ва исломдан олдинги ибодат жойини устига қўрилган. Унинг мураккаб гишт териш техникаси, кўп қатламли нақшлари ва ярим ер остига қўйқан ҳолати қадимийлик ва давомийлик рамзидир.

Яна бир муҳим иншоот — Намозғоҳ масжиди катта жамоавий ибодатлар учун мўлжалланган бўлиб, Бухородаги очиқ май-донли диний архитектура анъаналарининг илк намуналаридан ҳисобланади. Қорахонийлар даври миноралари, хусусан, кейинчалик қўрилган Пойи Калон мажмуасининг прототипи сифатида баҳоланадиган илк минора шаҳарнинг диний марказ сифатидаги мавқени мустаҳкамлаган.

Калон (Пойи Калон) минораси 1127 йилда қорахоний ҳукмдор Арслонхон даврида қўрилган бўлиб, Бухородаги қорахонийлар меъморлигининг энг юксак намунасидир.

“Калон” сўзи “буюк, улкан, балеанд” деган маънони анг-латади ва бу минора нафақат масжидга қақирув воситаси, балки шаҳарнинг сиёсий ҳокимияти ва диний мавқенини инфодаловчи раъзий иншоот бўлган. Балеандлиги 45 метрдан ошадиган у ўз даврининг меъморий илгорлик даражасини яққол



намоийши этади. Айниқса, пишиқ гиштдан ишланган мураккаб геометрик нақшлар ва куйфий ёзувли безаклари унинг Марказий Осиё исломий меъморлиги тарихида алоҳида ўрин эгаллашини кўрсатади. Миноранинг цилиндрсимон, юқорига ингичкалашувчи шакли ва ҳалқасимон безаклари қорахоний бутун минтақада қўрилган миноралар учун намуна бўлган. Обида қорахонийлардан те-мурийлар даврига ўтишдаги меъморий усул-лубини муҳим кўпригидир.

Бухородаги меъморий ёдорликлар фақат диний эмас, балки сиёсий ҳокимият ва маданий ўзлигини намоён этувчи раъзий объектлар бўлган. Улар кейинги сулолалар давридаги меъморликнинг услубий асосларини шакллантирди ва Ўрта Осиё исломий архи-тектураси пойдеворини яратди.

Шундай иншоотлар фақат диний ва сиёсий қудрат раъзи бўлиб қолмай, балки сулоланинг маданий меросини ҳудуд маконида абадийлаштириш воситаси ҳамдир.

Қорахонийларнинг энг муҳим тарихий мероси Марказий Осиё туркий халқларининг этник-маданий ўзлигини шакллантиришдаги ўрнидир. “Ўзбек” атамаси фақат XIV-XV асрларда шайбонийлар даврида оммалашган бўлса-да, ўзбек халқининг этник, диний ва маданий асослари айнан қорахонийлар дав-рида шаклланди.

Бунга бир неча омиллар сабаб бўлди. Биринчидан, исломни умумтуркий тамад-дун сифатида қабул қилиш турли туркий халқларни ягона диний-ҳуқуқий доирада бирлаштирди. Иккинчидан, туркий тилининг адабий ва маъмурий тил сифатида институционаллашуви кейинги сулолалар учун тил барқарорлигини таъминлади. Учинчидан, кўчманчи ва шаҳарлик аҳоли ўртасидаги ўзаро аралашув ягона исломий-туркий мада-ният шаклланишига олиб келди.

Ўзбек маданий меросида ўчмас из қол-дирган Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳо-жи, Аҳмад Югнакий ва Аҳмад Яссавий каби сиймолар айнан қорахонийлар дав-рида яшаган. Уларнинг асарлари замона-вий ўзбек тилининг илдизлари ҳисоблан-ган шева-ларда ёзилган бўлиб, ўзбекликни тарихий-маданий жиҳатдан асослашда муҳим роль ўйнайди.

Қорахонийлар сулоласи инқирози, ай-ниқса, қорахитойлар ва кейинчалик мўғул-лар босқини билан сиёсий тизим сифатида якулланган бўлса-да, уларнинг мероси узоқ асрлар давомида сақланиб қолди. Улар томо-нидан асос солиingan диний, тил ва бошқа-рув тизимлари хоразмишохлар, чигатойлар,

темурийлар ва шайбонийлар каби кейинги туркий-исломий давлатлар томонидан давом эттирилди.

Қорахонийлар саройлари илмий ва адабий фаолият мар-казига айланган эди. Бу ерда кўчманчи оғзак маданият исломий ёзма анъаналар билан уйғунлашиб, ўзига хос Марка-зий Осиё тафаккури шакллан-ди. Айниқса, Аҳмад Яссавий асос солган тасаввуфий таъ-лимотлар бутун минтақадаги руҳий ҳаётда асрлар давомида муҳим ўрин эгаллади.

Қорахонийлар томони-дан шакллантирилган тур-кий-исломий уйғунлик фақат минтақавий ҳодиса бўлиб қолмай, балки бутун мусулмон дунёси тарихида бурилиш бўлди. Улар туркий халқларнинг исломни ўзлаштиришида араб ёки форс воситачили-гисиз исломий цивилизацияга қўшилганини



кўрсатди. Бу тажриба кейинчалик Олтин Ўрда, Мамлуқлар ва Усмонли империялари шаклланишига замин яратди.

Қорахонийлар Марказий Осиё тарихида-ги энг муҳим бурилиш нуқталаридан бирини ташкил этади. Улар исломни қабул қилган илк туркий давлат сифатида исломий ҳарбий бошқарувини, туркий тил ва адабиётни, шу-нингдек, меъморий меросини шакллантирди. Айниқса, улар бошлаган туркий-исломий уйғунлик жараёни ўзбек халқининг шакл-ланиши ва бутунги маданий ўзлигининг не-гизини ташкил этди. Уларнинг мероси ани-и дамда ҳам Марказий Осиё маконида муҳим маънавий ва маданий мезон сифатида яшаб келмоқда.

Фарҳод МАҚСУДОВ,
ЎзФА Миллий археология
маркази директори, тарих
фанлари доктори, профессор

Недар monguk, недар uʻqomguk? (“Сўз латофати” китобидан)

Ўзбек тилининг чинакам бойлиги ва қудрати росмана ўрганилмаган. Тилимиз дунёнинг энг зангин ва рангин тилларидан биридир. Негаки у буюк турк тили негизида таркиб топган, араб, форс тилларининг бой хазинасини кенг миқёсда истифода этган, халқаро атамалардан баҳраманд бўлган, дунё тилларидан сўзлар олиб бойиган тилдир.



Ўзбек тили каби сўз ясаш имконияти кенг, шеваларга ва синонимларга — маънодош сўзларга бой тил ҳам дунёда кам. Лекин, афсуски, кейинги етмиш йил ичида “Девону луғотит турк”да улугланган, “Муҳокамат ул-луғатайн”да тавсифланган тилимиз бойиш ўрнига камбағаллашди. Тилшунослиқда “арабизм”, “форсизм”га қарши, адабиётда “сарой тили”, “кибор тили”га қарши авж олдирилган кураш, йўқсил тили йўқсилча дегандек, охир-оқибат кенг халқ оммасини Навоий ва Ҳазратидан, Оғаҳий ва Машрабдан узоқлаштирди. Уларни ўқиб тушунамслик даражасига етиб келдик. Эсимда бор, олтиминчи йилларда ёзган кўпгина газаларим муҳаррирлардан бир сабабу баҳона билан қайтарди: тили

қилган эди. Мустай Карим газеталарнинг бирида босилган мақола сарлавҳасини айтиб даврани қулдирган эди: “Советлар Россиясинда крестьянлар положениеси”. Қулгили сарлавҳа. Лекин бошқалардан қулмайлик-да, ўз тилимизга эътибор берайлик. Ҳаммамиз ҳам рус сўзларини аралаштирмасдан гапираимизми? Бир замонлар Фарғонанинг йўлларида бир гуруҳ ёш ёзувчилар шу мавзуда баҳслашиб қолдик. Мен бир ўйин таклиф қилдим: ким гапида рус сўзини ишлатса, бир сўм штраф тўласин. (Ўша вақтда бир сўм ҳам пул эди). Одатда гаров ўйнашни яхши кўрадиган Ўткир Ҳошимовга таклифим ёқиб тушди ва дабдурустдан: — Давай, ўйнаймиз! — деб юборди. “Қани, давай учун бир сўм давай”, — дедим мен ҳазиллашиб. “Аввал сиз тўлаб ўқийинг! — деди Ўткир, — штраф эмас, жарима дейиш керак эди”. Шундай қилиб Фарғонага еттунимизча бир зиёфатнинг пули йиғилди. Тайёрада тўқилган шеър: **Парвоз чоғи тайёранинг** **Дилбар келини** **Кўк юзини бизга тахти** **Сулаймон қилди.** **Лекин эълон ўқиганда ўзбек тилини** **Давлат тили бўлганига** **пушаймон қилди.** Ўзбек тилининг бугунги даражаси, туркий тиллар ичида тутган макъен учун биз кўп жиҳатдан ўтган аср бошида яшаган жадид зиёлилардан миннатдор бўлишимиз керак. Улар ўзбек тилининг сўз ясаш имкониятларидан дадил ва моҳирона фойдаландилар, халқда миллий ғурур, она тилга хурмат туйғусини тарбия қилдилар. Ҳали руслаштириш сиёсати авжига чиқмасдан илгари юзлаб, минглаб русча ва байналмилал сўзларни ўзбекчалаштириб улгурдилар.

“Ўзбек тилининг бугунги даражаси, туркий тиллар ичида тутган макъен учун биз кўп жиҳатдан ўтган аср бошида яшаган жадид зиёлилардан миннатдор бўлишимиз керак. Улар ўзбек тилининг сўз ясаш имкониятларидан дадил ва моҳирона фойдаландилар, халқда миллий ғурур, она тилга хурмат туйғусини тарбия қилдилар. Ҳали руслаштириш сиёсати авжига чиқмасдан илгари юзлаб, минглаб русча ва байналмилал сўзларни ўзбекчалаштириб улгурдилар.

мураккаб, қийин, халқ тушуномийди. Матбуот ҳодимларининг ўзига хос “мантиги” кўпинча шундай бўлар эди: адабиётчи бўлгубди менки тушунамсам, оддий ишчи-деҳқон қандай тушуносин? Аслида, тувақда ўсган гул каби ўз идорасидан ташқарини билмаган, халқ турмушидан узоқ бўлиб қолган ўша муҳаррирдан кўра оддий ишчи-деҳқон сўзга бойроқ, зукорроқ, фаҳмироқ бўлган. Лекин пролетар мафкурасининг дастёрлари ўз ғояларини оғишмай амалга оширдилар. Мана шу ғоя билан мумтоз шоирларимиз қўллаган сўзлар адабий тилимиздан бир-бир чиқиб кетди, тилимиз бир инсон умри давомида батамом “ишчи-деҳқон тили”га айланиб бўлди. Бу-ку шўро сиёсатининг оқибати эди. Тарихий қариларни тиклаш давлат сиёсатига айланган бу кунда ҳам ўша фақирона дунёқарашнинг мавжудлигига нима дейсиз? Ҳали ҳамон тилимизга кира бошлаган “бекат”, “тайёра”, “туман” каби сўзларни қулги қилиб, “остановка”, “самолёт”, “район” дейишга халқ ўрганган, янги сўз топишининг нима кераги бор дегувчилар камми? Агар бундай дунёқараш ўтган аср бошида яшаган маърифатпарвар жадидлар орасида ҳам ҳукмрон бўлганда, бугун бир газетамизнинг номи “Қишлоқ правдаси”, бир журналимиз “Жаҳон литератураси”, бир жамиятимиз номи “Култура ва просвещение” бўлар эди. Бир вақтлар Чингиз Айтматов қирғиз тилида “ҳақиқат” деган сўзнинг йўқлигини айтиб фарёд

имкониятларидан дадил ва моҳирона фойдаландилар, халқда миллий ғурур, она тилга хурмат туйғусини тарбия қилдилар. Ҳали руслаштириш сиёсати авжига чиқмасдан илгари юзлаб, минглаб русча ва байналмилал сўзларни ўзбекчалаштириб улгурдилар. Биргина тилшунослик билан боғлиқ атамалар қанча! “От”, (“атокли ва турлош от”), “Сифат”, (“сифатдош”), “Сон” (“Санок сон”, “тартиб сон”), “Олмош” (“Қишлоқ олмоши”, “кўрсаткич олмош”), “Равиш” (Равишдош), “Келишк қўшимчалари” (Бош келишк, қараткич, тушум келишкларини)... Ўқув қўланмаларини эсланг: сиёҳдон, ўчирғич, чизғич, бир чизик дафтар, каттак дафтар, қаламдон, жилт, бўр ва ҳаказо. Ахир юқорида келтирилган сўзларнинг ҳам байналмилал ёки русча номлари бўлган. Тайёр сўзларни қабул қилсалар осон эди, бош ориги кам бўларди. Биз бугун гапнинг эгаси ва кесими дейиш ўрнига предложение-ниенинг подлержашчеси ва сказуемоеси деб юрган бўлардик. Лекин ўша замон зиёлиларининг ижодий жасорати боис биз бугун шундай бой мулкка эгамиз. Ўша атамалар аллақачон онгимизга жойлашиб, ўзимизники бўлиб кетганки, биз уларни кимдир излаб топганини, яратганини, баҳсу мунозаралар билан қабул қилинганини ўйламаймиз ҳам. Ваҳоланки, тилга бир янги сўзнинг кириши энгил жараён эмас.

Эркин ВОҲИДОВ, Ўзбекистон халқ шоири

МАЪНАВИЯТ

Хар бир инсоннинг камолга етишида ота-онаси қаторида ўқитувчи, устознинг хизматлари ҳам бекиёс. Бежиз халқимиз “Устоз отангдан улур” демаган. Бизни 1-синфда Бозор Сафаров деган муаллим ўқитган. Ўша йили қишда қаттиқ касал бўлиб қолиб, қарийб бир ой мактабга бормолмаганман. Муаллимим ҳар ҳафтада икки-уч бор уйимизга келиб, менга ҳарфларни ўргатган, синфдошларимдан ортда қолиб кетмаслигим учун жон қуйдирган.

Мулоҳаза



ҲАЁТНИНГ АБАДИЙ ҚОНУНИЯТИ: ЎҚИТУВЧИГА ЭҲТИРОМ



Абдулжол ТАЙПАТОВ, журналист

9-синфда она тили ва адабиёт фанларидан Дўстмурод Ҳайдаров деган ўқитувчи дарс бера бошлади. Шу даврга қадар мен барча фанлардан “аъло”га ўқиб, математика фанидан мунтазам равишда туман миқёсидagi олимпиадаларда қатнашардим. Янги адабиёт ўқитувчимиз бизни сеҳрлаб қўйди. Ўзбек адабиётининг таниқли намояндалари ҳаёти ва ижоди ҳақида меҳр билан шундай ажойиб гаплар айтар, ижодидан намуналарни жўшиб ёддан ўқиб берардики... Шундан сўнг синфдошларимиз орасидан кўпчилик шеър ёза бошлади. Адабиёт дарсларини интиқлик билан қутадиган бўлдик. Шу сабаб мен ҳам бошқа фанлардан кўра она тили ва адабиётни кўпроқ ўқий бошладим. Адабиётни танлашимда Дўстмурод ака Ҳайдаровнинг (охиратлари обод бўлсин) ҳиссаси жуда катта бўлган. Биз, ўқувчилар ҳатто дам олиш кунлари ҳам муаллимимизнинг уйига борар, соатлаб адабиёт ҳақида гурунглашардик. Энди ўйласам, бизга сабоқ берган барча ўқитувчилар ўз соҳасининг фидойилари, жонқурлари, яхши мутахассислар бўлган экан. Улар қишлоғимизнинг жадидлари эди, десам ишонаверинг. Бу фидойи, ўз фанининг билимдони бўлган устозлар биз — қишлоқ болалари онгига ўқишга, илм олишга интилиш

туйғусини сингдирган. Бугун ўзим ҳам устоз мақомига кўтарилганимда англаганим шу бўлдики, уларнинг қилган энг катта иши — яхши ўқисанлар, келажакда катта одам бўласизлар, эл-юртга фойдаларинг тегади деган фикрни миямизга қуйган, бизни шунга ишонтирган. Устоз, муаллим сифатида ўз зиммасига юкланган миссияни шараф билан бажарган. Шунинг учун ҳам улар, то тиррик эканмиз, биз — ўқувчилари қалбида абадий ашайди. Биз улардан ўрганган эзгу фазилатларни ёшларга, ўзимиздан кейинги авлодга сингдирамиз ва эстафета шу тарзда давом этаверади. Ҳаётнинг абадий қонунияти маъноси ҳам шу. Мен ўқиган Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти бўлимида бизни ўзбек филологияси бўйича йирик олимлар — Натан Маллаев, Мазлума Асқарова, Тўхтамурод Бобоев, Пирмат Шермухаммедов, Қудрат Аҳмедов, Раъно Абдулаҳатова, хориж адабиётидан дарс берган Ҳамиджон Ҳамидов каби асл устозлар қутиб олди. Мактаб ўқитувчилари онгимизга эккан илм ниҳолларини парвартишлаб, биздан она тили ва адабиётни жонқурлари, мутахассислар тайёрлашди. Замонавий ўзбек адабиётидан дарс берган домламиз Муҳаббат Аҳмадбоева



“Янги адабиёт ўқитувчимиз бизни сеҳрлаб қўйди. Ўзбек адабиётининг таниқли намояндалари ҳаёти ва ижоди ҳақида меҳр билан шундай ажойиб гаплар айтар, ижодидан намуналарни жўшиб ёддан ўқиб берардики... Шундан сўнг синфдошларимиз орасидан кўпчилик шеър ёза бошлади. Адабиёт дарсларини интиқлик билан қутадиган бўлдик. Шу сабаб мен ҳам бошқа фанлардан кўра она тили ва адабиётни кўпроқ ўқий бошладим. Адабиётни танлашимда Дўстмурод ака Ҳайдаровнинг (охиратлари обод бўлсин) ҳиссаси жуда катта бўлган.



қўнглим тўлди. Унга “тўрт” қўйсак, мандатдан ўтолмайди, иншоидан “уч” олган экан, комиссияни қақирамиз, — деди қатъий. Иссиқда лоҳас ўтирган кекса адабиёт ўқитувчисига бу гап унча ёқмади. — Комиссия ҳозиргина келиб-кетди, уларни яна ким қақириб келади, Раънохон, “тўрт” қўяверайлик, — деди эрини боғна. — Мен ўзим айтиб келаман, — дея аёл муаллим шартта ўриндан турди. “Аъло” баҳо қўйиш ваколатига эга комиссиянинг икки вакили — ўзбек адабиётшунослиги кафедраси мудири Тўхтамурод Бобоев ва ўзбек тилшунослиги кафедраси мудири Ҳасанбой Жамолхонов хонага кириб келди. Уларнинг исм-фамилияларини кейин билдим. — Сизга ҳар биримиз иккитадан савол берамиз, — деди Тўхтамурод Бобоев. — Агар жавоб беролсангиз, бўлди, баҳонгиз “беш”. Ўзбек адабиётидан иккита ва она тилидан битта саволга тўлиқ жавоб бердим. Фақат тилдан берилган

мажҳулик феъл нисбатига доир саволнинг жавобида чалқашдим. — Тўртта саволнинг учтасига жавоб бор, биттасига эса йўқ, — деди Тўхтамурод домла салмоқлаб. — Келинг, энди сизга яна бир имкон берайлик. Сиз адабиёт факультетига ўқишга киряпсиз, ўғлим. Ёддан битта шеър ўқийсиз. Менга жон кирди. Ўша пайтлари юзлаб шеърларни ёддан билардим. Шартта қаддимни ростлаб, деярли бўш аудиторияга юзланиб, шоир Шухратнинг “Номаялум солдат ҳайкали олдидаги ўйлар” сарлавҳали узундан узоқ шеърини ифодали ўқий бошладим. Шеърнинг ҳар бандида такрорланадиган “Ким у? Ким у? Ким у?” нақоратини баланд овозда ўқийман. — Баракалла, ўғлим, — деди Тўхтамурод Бобоев ўрнидан туриб. — Мана энди “беш”ни ҳалолладингиз. Ўқишга киргач билдимки, бу домлар институтнинг жуда эътиборли олимлари экан. Айниқса, Раъно Абдулаҳатованинг қаттиққўллигидан яхши ўқимайдиган талабалар зирилларди. Ўзбек тилини ўзлаштирмаётган бир хоразмлик курсдошимизнинг ота-онасини қақириб, ўғлинингиздан она тили ўқитувчиси чиқмайди деб очиқ айтиб, ўз хоҳишлари билан ҳужжатларини олиб кетишга мажбур қилганди. Бу устозлар менинг мақтовимга муҳтож эмас. Уларнинг ёруғ хотираси доимо ҳаёлимизда, қалбимизда. Улар бизга қандай яшаш ва ишлаш кераклигидан сабоқ бериб кетди. Айтмоқчиманки, бундай фидойи устозларнинг ҳаёт йўли ёшлар учун ибрат мактабидир. Иш жараёнида ҳам қанча яхши одамларга, ўз касбининг усталарига, меҳнаткаш устозларга дуч келдик. Улардан оз-оздан ўрганиб, бугун ўзимиз ҳам кейинги авлодга устоз мақомида турибмиз. Мухтасар айтганда, бундай мисоллар, хотиралар ҳар кимнинг ҳаётида учрайди. Ҳар бир киши ўзининг камолга етишига ҳисса қўшган чин устозлар ҳақида жуда кўп ва ҳўб гапирибди, ёиши мумкин. Мамлакатимизда кейинги йилларда Президентимиз ташаббуси билан ўқитувчилик касбининг нуфузини кўтарши, уларнинг моддий аҳволини яхшилаш, зарур меҳнат шaroитлари яратиш борасида жуда кўп ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Ўқитувчилар бундан-да юксак эътибор ва ҳурматга арзийди. Уларнинг заҳматлари жуда катта олқиш ва таҳсинларга лойиқ. Таълимда сифат устувор бўлар экан, жамият юксалаверади. Ривожланган дунё таърибаси шундай. Бунинг учун ўқитувчилар, энг аввало, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши керак. Мен мамлакатимизда ўқитувчи касбининг обрўсини ошириш, нуфузини юксалтириш мақсадида шундай таклиф билдирмоқчиман: шаҳару қишлоқларимиздаги бош майдонларда ўқитувчи рамзий байкаллар ўрнатилиши лозим. Бу халқимизнинг устозларга меҳр-муҳаббатни ифодаси сифатида жамиятимизда жуда катта ижобий акс садо беради. Ушбу ҳайкаллар пойига 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни, Билимлар куни ва бошқа байрамларимизда кенг жамоатчилик номидан гуллар қўямиз, ўқитувчилар шаънига илқ сўзлар айтиб, уларни олқишлаймиз. Виждонан айтганда, бу шогирдларнинг устозлар олдидаги бурчидир.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.